



ГУУАМ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Ислам Каримов ГУУАМнинг Ялта саммитида иштирок этди



Крим - ажойиб ўлка. Уни таърифлашга ҳар қанча уринманг, нимадир унутилгандек, нимадир етмаётгандек туюлаверади. Ялта эса шу гўзал ўлканинг юрагидир. Кўпчилик мовий денгиз, дарахтларга бурканган тоғларни назарда тутиб, Ялтани энг яхши истироҳат масканларидан бири, деб ҳисоблайди. Лекин унинг шухрати дам олиш маскани, де-

ган ном билан чекланмайди. Ялта дунё сиёсатида катта ўзгаришларга сабаб бўладиган учрашувлар мезбони ҳамдир. «Левадия» саройида 1945 йил 4-11 февраль кунлари бўлиб ўтган машҳур Крим конференцияси фашизмга қарши курашнинг бурилиш босқичини бошлаб берган эди. Европани озод қилиш ва фашизмни ер юзидан

бутунлай қуритиш режалари ҳам ўшунда тузилган. ГУУАМнинг илк расмий саммити айнан шу ерда ташкил этилганида ҳам ўзига хос маъно бор. «Левадия» - хосиятли макон.

Ялта саммитининг энг муҳим натижаси, шубҳасиз, ГУУАМ Хартиясининг қабул қилинишидир. Бу ҳужжат янги тузилмани халқаро муносабатлар тизимининг

тўлақонли субъектига айлантирди. Шу билан бирга, бирлашма ҳақидаги ҳар хил асоссиз башорату тахминларга чек қўйди. Ялта учрашувида рўй-рост айтилдики, ГУУАМ ҳеч бир давлат ёки давлатлараро тузилмага қарши қўйилмаган, фақат ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бир-

лашмадир. У асло сиёсий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилот эмас.

Моҳиятан, ГУУАМ сиёсийлашган ё ҳарбийлашган ташкилот бўла олмайди ҳам. Бунга исбот сифатида тузилма аъзолари бўлган давлатларнинг жўғрофий жойлашувини келтириш етарли. Иқтисодий бирлашма дейишга эса ҳар томонлама асос бор. Ўзбекистон мисолида олсак, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз жаҳон бозорига олиб чиқувчи йўللارни кўпайтириш ҳаракатидамыз. Унутмаслик керакки, Афғонистондаги можаро сабабли жанубий йўللاردан фойдалинишимиз қийин, анча хавфли. Шарқий ва ғарбий йўналишлар ҳам йўқ эмас. Сарахс-Тежан-Машҳад йўналиши орқали Форс кўрфазига, Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши бўйича Хитой портларига чиқиш мумкин. Лекин дунёнинг ривожланган қисми билан алоқани кенгайтиришимиз учун йўлларимиз Европага ҳам уланиши керак. Бунда МДХ доирасидаги коммуникация тармоқлари, Туркия ва Болгарияга олиб чиқадиган Боку-Супса йўналиши каби ҳаракат йўлакларининг аҳамияти катта бўляпти. Лекин бу йўллар бўйидаги давлатларнинг жўғрофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, коммуникациявий имкониятларидан шу вақтгача тўла фойдаланилмай келмоқда. Баъзан четдан келтирилган товаримизнинг йўлқираси унинг нархидан қиммат бўлиб кетяпти. Демак, Ўзбекистонга энг яқин, энг арзон, энг қулай ва энг хавфсиз йўллар, шунингдек, ишончли шериклар керак. ГУУАМ аъзолари ва уларнинг ҳудудидан ўтайдиган йўллар эса ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчи фойдали томони шундаки, ГУУАМ воситаси билан савдо-иқтисодий, ижтимоий алоқаларни кенгайтириш, Буюк Ипак йўлини тиклашда нуфузли халқаро ташкилотлардан олинаётган ёрдам ҳажмини кўпайтириш имконияти бор. Масалан, ТРАСЕКА лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Европа Иттифоқи билан эндиликда яқка ҳолда эмас, бал-

(Давоми 2-бетда)

**Юрт мадҳини
куйлар болалар**
2-бет

**Ватан тарихи
ва истиқлол**
3-бет

**Ёзишни
билмасданоқ шеър
тўқиган шоир**
9-бет

МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ
21 минг 592 тонна дон йиғиб олиб, йиллик шартномавий режаларини Республикамызда биринчи бўлиб бажарган Жарқўрғон тумани ғаллакорларига Президентимиз Ислам Каримов табрик хати йўллади.

ОРОЛБЎЙИГА ЁРДАМ
Андижон вилояти Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами тариқасида 18 миллион 597 минг сўмлик тухфа ажратди ва 9 та оромгоҳда 1 минг 500 нафар қорақалпоғистонлик болалар ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун 60 миллион сўм сарфланади.

САФАР САМАРАСИ
Мамлакатимизда меҳмон

**СЎНГГИ УЧ КУН
МУЖДАЛАРИ**

Чоршанба
Пайшанба
Жума

бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино бошчилигидаги делегация Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Ташриф натижалари хусусида гапирар экан, Тадао Чино банк Ўзбекистон ҳукуматининг Орол-

бўйидаги сув тақчиллигини тугатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун Япониянинг махсус жамғармасидан беғараз грант ажратишни жадаллаштираётганини таъкидлади.

ЯНГИ МАДАНИЙ МАРКАЗ
Тошкентда хитой маданий маркази очилди. Бу марказ Хатой тарихи, бугуни ҳақида сўзловчи кўргазма ва хоҳловчилар учун Хитой тилини ўрганиш курслари билан янада бойитилаётгани икки давлат ўртасидаги маданий муносабатлар ривожига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир.

**Инглиз тили
сабоқлари**
12-бет

**Микроэлектроника
асосчиси ким?**
13-бет

**Даъвогарлар
нега кўп?**
15-бет

ГУУАМ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ки минтақавий ташкилот аъзоси сифатида янада кенг қўламли музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказиш мумкин. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби молиявий ташкилотларнинг кредитларини олишда, БМТ, ЕХТТ сингари тузилмаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашига эришишда, чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этишда ҳам ГУУАМнинг роли катта бўлади.

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ялта саммитида Грузия Президенти Ўзбекистон раҳбарини узоқни кўрувчи оқил ва доно сиёсатчи, деб атади. Бунинг сабаби аён. Ўзбекистон мақсадлар муштараклиги боис ГУУАМга қўшилди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. ГУУАМ эса фақат бунёдкорлик ва тараққиётни ўзига шиор қилган ташкилотдир.

Ҳеч бир мамлакат иқтисоди

ўз қобиғи ичида ривожлана олмаслиги равшан. Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик учун эса, коммуникация тармоқлари такомиллаштирилиши, савдо-иқтисодий муносабатлар ривожлантирилиши керак. Бу ГУУАМ учун ҳозир энг долзарб масала. Шунингдек, ўзаро савдо-сотиққа божхона тўловлари ва қоидалари, солиқ тизими, йўллар сифати ва хавфсизлиги ҳам бевосита таъсир этишини назардан қочирмаслик зарур. Ялта саммитида бу масала муҳокама этилар экан, ҳозирча ГУУАМ доирасида ягона ахборот макони барпо этиш, Тошкентда бизнес-семинар ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, аъзо мамлакатларнинг тегишли органларига ГУУАМ минтақасида эркин савдо зонаси барпо этишга қаратилган ҳужжат тайёрлаш вазифаси топширилди. Тўғри, бу ҳақдаги битим лойиҳаси саммит қатнашчиларига тақдим этилган эди. Лекин президентлар уни

такомиллаштирмақ зарур, деган фикрни айтди. Чунки, ГУУАМнинг бош вазифаларидан бири ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

Зикр этилганлардан келиб чиқиб, Ялта саммитини ГУУАМнинг расмий таъсис йиғилиши, деб аташ мумкин. У тузилманинг самарадорлигини, муҳимлигини намоён этди. Гарчи, аъзо давлатлар раҳбарлари илгари ҳам бир неча бор учрашган бўлсаларда, бу галги саммит мазкур бирлашмани расман қонунийлаштиргани билан муҳимдир. Серхосият «Левадия» саройида расман халқаро муносабатлар тизимининг субъектига айланган ГУУАМнинг галдаги саммити шу йилнинг кузида Озарбайжонда бўлади. Фойдали мулоқотларни келгусида яна учрашишга аҳдлашиб якунлаш нақадар хайрли!

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент - Ялта - Тошкент.

О'zbekiston — Vatanim manim



ЮРТ МАДҲИНИ КУЙЛАР БОЛАЛАР

Юртимизга келган меҳмонлару сайёҳлар Самарқанду Бухорони, Хивани кўрмасдан кетмайдилар.

Халқ таълими вазирлиги қарашли ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг анъанавий кўшиқ байрами, «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўшиқлар тўрик-танловининг бу йилги якуний босқичи Хоразм вилоятида ташкил этилгани бежиз эмас. Етти иқлимга машҳур очик музей—Хива саёҳати санъатга, демакким эзгуликка мойил мурғак қалбларни руҳлантирди, улар Хоразм ва Хивада яшаб ўтган буюк аждодлар руҳини ҳис қилдилар, таассуротлар болаларни Ватан учун муносиб хизмат қила оладиган инсонлар бўлиб етишишга, буюк келажакка ундаши, шубҳасиз.

Тадбирнинг биринчи кунинидаги Хива саёҳатидан сўнг, 7 июнь кунини Урганчдаги драма театри биносида «Ўзбекистон.—Ватаним маним» кўшиқ байрами ва кўрик-танловининг тантанали очилиш маросими

бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев кириш сўзи билан байрамни очар экан, барча санъатсеварларни кутлади ҳамда ушбу фестивал аҳамияти ҳақида сўзлаб, танлов иштирокчиларига омад тилади. Шундан сўнг кўрик-танловга тақдим этилган кўшиқлар, мусикий композициялар намоиши бошланди. Уларни таниқли бастакор Муҳаммадjon Отажонов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Танлов натижалари бугун кечқурун кўхна ва навқирон Урганчнинг кўркига кўрк кўшиб турган Жалолоддин Мангуберди хиёбонинида бўлиб ўтадиган гала-концерт — кўшиқлар фестивалида эълон қилинади ҳамда голибларга совринлар, эсдалик совғалар топширилади.

Кўшиқ байрами давом этмокда.

Хусан НИШОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ЭЛЧИНИНГ СОВҒАСИ

Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Жиззах шаҳридаги 70 нафар ота-онасиз болалар тарбияланаётган 29-меҳрибонлик уйини оталиққа олишган. Яқинда бу ерда хайрия тадбири ўтказилиб, элчихона ходимлари болаларга 400 минг сўмликдан ортиқ спорт либосларини ҳада этишди.

Шунингдек, Польша Республикасининг мамлакатимиздаги фавкулда ва мухтор элчиси Зенон Кухчак 18 ёшга тўлган битирувчи Яков Королевга Жиззах шаҳрида жойлашган бир хонали уйнинг калитини совға қилишди.

— Мамлакатингиз раҳбарининг ёшларни кучли ва билимдон қилиб тарбиялаш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайман, — деди элчи.

Элчихона ходимлари кўплаб бошқа хайрли ишларни ҳам амалга оширмақда. Масалан, яқинда улар республикамиз вилоятларидаги болалар уйларида 500 нафарга яқин тарбияланувчиларни пойтахтдаги «Зарафшон» ресторанининг «Ардус» концерт залига таклиф этиб, меҳмон қилишди. Танқли эстрада хонандалари болаларга ўз санъатларини намоиш этишди. Дастурхонга мазали таомлар турли ширинликлар тортидди.

«Туркистон-пресс»

МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоий номли 24-ўрта мактабда турли танловлар, мусобақалар, беллашувлар, мунозаралар ўтказиб бориш яхши анъанага айланиб қолган. Яқинда билим масканида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган яна бир тадбир бўлиб ўтди.

«Мустақиллик ҳақида нималарни биласиз?» мавзусидаги танловда ўғил-қизлар учун 10та савол тайёрланди. Саволлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган Фармонлар, қарорлар, қонунлар, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида эди. Шуни таъкидлаш

лозимки, ўқувчилар мустақиллик ҳақида бой таассуротларга, маълумотларга эга эканлигини кўрсатишди. Муҳими, ҳозирги жараёнга улар лоқайд эмаслар. Танлов шартлари эълон қилинганидан кейин ўқувчилар ташки-

Tanlov

лий кўмигага ёзма жавобларини бирин-кетин йўллаб бошладилар.

Танлов голибларига яшигина эсдалик совғалари ажратилган эди. «Пахтазор» ширкатлар уюшмасидаги «Фулум» деҳқон фермер хўжалиги (раҳбари Эрқабой

Бўриев) танловга ҳомийлик қилди.

Яқинда мусобақа голиблари аниқланиб, уларга тантанали равишда эсдалик совғалари топширилди. Танловда фахрли биринчи ўрин 9-«А» синф ўқувчиси Азамат Холиқуловга насиб этди. Иккинчи ўринни 11-синф битирувчиси Жўрабек Пардабоев эгаллашга муваффақ бўлди. Учинчи ўринга эса 8-синф ўқувчилари Саломат Пардабоев, Зухра Тошиева ва 9-«Б» синф ўқувчиси Раъно Бойматовалар лойиқ деб топилдилар.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё тумани

Respublika o'qituvchilari
anjumani oldidan



ЮТУҚЛАР КЎП, БИРОҚ...

Мен аввало вилоятимиздаги жуда кўп сонли ўқитувчилар орасида юртимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган ўқитувчилар анжуманига вакил этиб сайлашганлари учун ҳамкасбларимдан миннатдорман.

Анжуманда мен, айниқса, қишлоқ мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника ускуналари билан жиҳозлаш масаласи ҳам албатта муоҳама қилиниб, тегишли амалий тадбирлар белгиланади, деб ўйлайман.

Яна бир масала. Менинг назаримда, таълим соҳасида муҳим бўлмаган ишнинг ўзи йўқ. Унга кўмаклашувчи марказлар ташкил этилган, бироқ иш натижалари сезилмаётир. Айниқса ўқув фанларидан кўргазмали қуролларни кўпайтириш керак. Шу ишлар амалга оширилса, ўқитувчига анча қулайлик яратилган бўлар эди.

Мўтабар ЙЎЛДОШЕВА,
Тойлок туманидаги 5-умумий
ўрта таълим мактабининг она тили
ва адабиёти фани ўқитувчиси

БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

Яқинда Самарқанддаги «Зиёлилар саройи»да «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими хомийлигида иш юритувчи болалар ташкилотини тузишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсатувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари, туман, шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармасидаги болалар тарбияси учун масъул кишилар иштирок этдилар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг раиси Б.Шаропов йиғилиш қатнашчиларини болалар

ташкilotининг мақсад ва вазифалари, низоми билан таништирди.

7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизларни ўз сафига бирлаштирувчи, уларни Ватанга садоқатли, юксак маънавиятли ҳар томонлама соғлом, билимдон шахслар бўлиб вояга етишларида ёрдам берувчи ва болалар ҳақ-хуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашувчи бу ташкилотнинг вилоят бўлимига «Камолот» ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимида ишлаб келган Мастура Шарипова раис этиб сайланди.

Н.ШЕРБОЕВА

Тарих — ибрат. Тарих — муаллим ва мураббий. Тарих — ўзликни англашда, миллатнинг камол топишида қудратли восита. Бу таърифларда теран маънолар бор. Зотан, Президентимиз: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, деб бежиз айтмаган. Шу боис ҳам Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ халқимиз тарихини янгидан, ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Ўтган йиллар мобайнида тарихимизнинг кўп соҳаларида янги илмий тадқиқотлар олиб борилди, янги дарсликлар, монография ва рисоалар чоп этилди, турли тарихий мавзуларда илмий-услубий анжуманлар ўтказилди. Бу соҳада олиб борилаётган ишларга турли илмий ташкилотлар, олий ўқув юртли тарих факультетлари, музейлар ходимлари, жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил сентябрь ойида ташкил топган Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Биз яқинда Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий САЪДУЛЛАЕВ билан марказ фаолияти ва умуман бугунги кунда тарих фанининг ривожига дастлабки натижалар, олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида суҳбатлашдик.

— **Муштарийларимизга Ўзбекистоннинг янги тарих маркази, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида бир неча бор маълумот берганмиз. Яқинда марказнинг фаолиятига 5 йил тўлади. Хўш, шу муддат давомида марказ ўз олдига қўйилган вазифаларни қай даражада бажарди?**

— Марказнинг фаолияти ҳақида яқиний хулосалар чиқаришга ҳали эрта, деб ўйлайман. Бугун биз дастлабки натижалар тўғрисидагина гапиришимиз мумкин. Ўтган — 2000 йили Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил декабрдаги 3-жилдлик “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги қарори тўлиқ бажарилди. “Шарқ” матбаа-нашриёт концернида “Туркистон чор Россияси мустамакачилиги даврида”, “Ўзбекистон совет мустамакачилиги даврида” ва “Мустақил Ўзбекистон тарихи” китоблари босилиб чиқди. Китобларни тайёрлашда республикамизнинг кўзга кўринган олимлари, жамоатчилик вакиллари муаллиф, тақризчи, муҳаррир сифатида қатнашдилар. Ижтимоий йўналишдаги мутахассисларнинг бундай бирлашуви, уларнинг илмий-услубий ҳамкорликлари ижобий самаралар берди.

Бугунги кунда халқимиз тарихи бўйича бир қанча янги мактаб дарсликлари яратилиб, нашр этилди. Мамлакатимиз тарихий таълим сиёсатида марказ ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистоннинг янги тарихи марказида яратилган дарсликлар орасида умумтаълим мактабларининг 6-синфи (Анатолий Саъдуллаев, Наим Норкулов, Василий Костецкий), 8-синфи (Наим Норкулов, Усмон Жўраев), 9-синфи (Жумабой Рахимов), 11-синфи (Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев, Қамариддин Усмонов) учун ёзилган “Ўзбекистон тарихи” дарсликлари бор.

Хуқуқий давлат, демократик жамиятнинг шаклланишида гуманитар таълим муҳим ўрин тутди. Тарих фанининг долзарб вазифаларидан бири ўзбек халқ давлатчилиги тарихини ўрганишдир. Шу вазифа билан боғлиқ равишда тарих маркази ходимлари тайёрлаган “Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” номли китобнинг I қисми “Академия” нашриётида чоп этилди.

Марказда тайёрланган китоблар ичида “Туркистон матбуоти тарихи” (Назира Абдуазизова), “Тарих фалсафаси” (Нарзулла Жўраев), “Ўзбек ти-

лининг кирилл ва латин алифболаридаги имло лўғати” (Тўлқин Тоғаев), “Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” (ЎзРФА Тарих институти билан ҳамкорликда) ва бошқа китобларни айтиб ўтиш мумкин.

— **Албатта, марказ фаолияти бу ишлар билангина чегараланиб қолмаган бўлса керак. Марказда бугунги кунда олиб борилаётган ишлар, илмий-услубий тадқиқотлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Суҳбатимиз ҳисоботга ай-

илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, эпиграфик ёдгорликлар ва ўрта аср ёзма манбаларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Уларни амалга оширишда Бобур Аминов, Ўктам Мавлонов, Баҳодир Эшов, Анвар Яхшиев, Музаффар Аҳмедов, Холмурод Хидиров, Даврон Муитов фаол иштирок этмоқдалар.

— **Бой тарихимизни қайтадан, ҳолис тадқиқот қилиш қисқа муддатда ҳал бўлади-ган муаммо эмас. Бу улкан ишни босқичма-босқич амалга ошириш лозим бўлади. Шубҳасиз, бундай мураккаб иш мутахассислардан машаққатли меҳнатдан ташқари пухта ва чуқур билимни ҳам талаб этади...**

— Фикрингизга қўшиламан. Чуқур тарихий таҳлил ва мавзунини илмий теран умумлаштиришга ўтмишни изчил ўрганиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, тараққиёт қонуниятларини тушуниш сари етаклайди.

Собиқ совет тузуми тарихшунослигида ўзбек халқининг қадим тарихи, унинг турли йўналишлари бўйича тадқиқотчилар кам шуғулланганлар. Сабаби яхши маълум. Совет даври тарихшунослигида археология, антропология, этнография, нумизматика, манбашунослик

воқеа, ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган жараёнлар алоҳида махсус таҳлилни талаб қилади. Бу борада биз аввало Президентимиз асарларини теран ўрганиб, улардаги муҳим ғоявий, илмий-услубий кўрсатмаларга, янги-ча дунёқарашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистоннинг барча фуқаролари, халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалаб, мамлакатимизнинг бугунги ва истиқболдаги тараққиёти, унинг ривожини ва гуллаб-яшнаши билан узвий боғланади. Шунинг учун ҳам, даставвал, биз истиқлол ғоясининг бирлаштирувчилик, бунёдкорлик ва инсонпарварлик моҳият-мазмунини аниқ англаб, миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онига сингдириш вазифасини муваффақиятли амалга ошириш учун мақсадли амалий усул-йўналишларни ишлаб чиқишимиз керак.

Ватанимиз тарихини, халқимизнинг бой маданий меросини ҳолисона ўрганиш вазифасини амалга ошириш муносабати билан Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ходимлари оммавий ақборот воситалари, телевидение орқали ҳамда “Ёшлар” радиоканали тахририяти билан ҳамкорликда тарих, миллий ғоя, маданий меросимизга муносабат, маънавият, ватанпарварлик ва ёшлар тарбиясида тарихнинг ўрни каби мавзуларда тарғибот ишлари олиб бормоқдалар.

— **Яқин орада тарих марказида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?**

— Энг муҳим вазифаларимиздан бири — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя” мавзуидаги Республика илмий-услубий анжуманини ўтказиш эди. Бу тадбир пухта тайёргарликни талаб этди. Конференция материаллари нашр этилди. Тўпламга янги илмий-назарий қарашлар асосида ёритилган тарихчи, археолог, шарқшунос, этнограф, файласуф, филолог тадқиқотчиларнинг маъруза матнлари киритилди. Улар мустақил Ўзбекистон тарихи, миллий истиқлол ғояси, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенези масалалари, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш, манбашунослик ва тарихшунослик муаммолари, лицей, касб ва ҳунар коллежлари, умумтаълим ва олий таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва янги дарсликлар яратишнинг ўқув-услубий муаммоларини ўрганишга бағишланган.

Ушбу тўпламдан таниқли олимларнинг ишлари билан бирга, ёш тарихчилар — аспирант ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари ҳам ўрин олди. Улар республикамиз турли шаҳар ва вилоятлари ўқув юртли илмий муассасаларининг ходимлари бўлиб, Ватанимиз тарихини ҳолисона ўрганиш ва ҳаққоний ёритишга интиланлар. Ёш олимлар, тарихчи ўқитувчиларга илмий ва услубий жиҳатдан амалий ёрдам бериш Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолиятида келажакда ҳам муҳим ўрин тутишига ишончимиз комил.

Суҳбатдош:
Махмуд САЪДИЙ

ВАТАН ТАРИХИ ВА ИСТИҚЛОЛ

ланиб қолмаслиги учун мен фақат асосий илмий йўналишлар тўғрисида гапирсам. Кейинги 2 йил мобайнида бир қанча мавзуларга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари бошланди. Улар орасида академик Бўрибой Аҳмедов раҳбарлигида марказ ходимлари — тарих фанлари номзодлари Наим Норкулов, Бобур Аминов, етакчи илмий ходим Тўлқин Тоғаев томонидан тайёрланаётган “Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi: Маҳаллий тарихчилар асарларидан парчалар” номли хрестоматик тўплам, тарих фанлари номзоди Мусаллам Жўраев раҳбарлигида тайёрланаётган “Мустамакачилик даврида Ўрта Осиёда давлатчилик ва жамият ривожининг ўзига хос хусусиятлари” номли асар, Нарзулла Жўраев томонидан “Мустақил Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” китоби, “Қадимги Ўрта Осиё тарихи” каби асарларни айтиб ўтиш керак. Мана шу ва бошқа илмий тадқиқотларни олиб боришда тажрибали олимлар билан бирга ёш тадқиқотчиларимиз ҳам самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

— **Тарих марказидаги ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Марказимизнинг ёш олимлари турли мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, жамиятимизда сиёсий ислохотлар, сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг таъминлиши мавзулари бўйича ёки тарихимизнинг қадимги даври ва ўрта асрлари бўйича, ўзбек давлатчилиги тарихи, Ўзбекистонда

каби соҳалар расмий равишда фаннинг иккинчи даражали йўналишлари ҳисобланарди. Чунки ўша давр ҳукмрон мафкураси талаби билан кўпдан-кўп сунъий мавзуларга асосий эътибор қаратилиб келинди. Шу сабабли тарихчиларимизнинг деярли 90 фоизи “замонавий” мавзуларни “тадқиқ этиш” билан шуғулланган.

Ҳозирги ёш тарихчи олимлар тарихий география, манбашунослик, қадимги ва ўрта асрлар Ўзбекистон тарихининг тарихшунослиги, тарихий ва маданий аъёнларини ўрганиш каби долзарб мавзуларга диққат-эътиборларини қаратишлари лозим. Бироқ ҳозир ҳам, таассуфки, олиб борилаётган тадқиқотлар ҳамда ёқланаётган номзодлик, докторлик диссертацияларининг жуда кўпчилиги собиқ советлар жамияти тарихи мавзулари билан боғлиқ. Тарих воқеа-ҳодисаларини ёритиш, хоҳ у салбий бўлсин, хоҳ ижобий — муайян тарихий манбаларга, тарихшуносликка, чуқур таҳлилий услубга, таққослаш ва қиёслашга асосланган лозим. Лекин айрим янги тадқиқотларда айни шу усулдаги ёндашув сезилмайди.

— **Мустақил Ўзбекистон тарихини янада чуқурроқ ўрганиш учун нималарга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлайсиз?**

— Ўзбекистоннинг истиқлол тарихи масалаларини ҳолис, ҳаққоний тадқиқ қилиш долзарб ва масъулиятли вазифадир. Мустақиллик йилларида республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилган туб ислохотларни англаб, чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Қисқа муддатда амалга оширилган улкан ишлар, уларнинг мазмун-моҳияти, ҳар бир

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЎЙМОҚДА

Китоб — инсонни энг яқин ҳамроҳи ҳисобланади. Китобни севиш, унга меҳр қўйиш — инсонни энг олижаноб фазилатларидан биридир. Чунки ҳар бир бадий асар бизни эзгуликка, комилликка ундайди.

Ўқувчиларни китобхонлигини ошириш, унга муҳаббат уйғотиш, бизнинг вазифамиздир. Шунинг учун мен ҳам

Aks-sado

баҳоли қудрат ҳар ойлигимдан китоб харид қилиб, ундан баҳраманд бўламан. Албатта, ўқувчиларимни ҳам баҳраманд қиламан. Бу эса мен ишлаётган мактабда одат тусига кириб қолган. Шу боисдан бўлса керак китобсевар мухлисларимиз кўп.

Мана бу йилги 11-синф битирувчиларимиз ҳам жонажон мактаб кутубхонасига ўзларининг сеvimли китобларини совға қилишди. Битирувчилар ташаббусига 4-9 синф ўқувчилари ҳам қўшилишиб, мактаб кутубхонасига анчагина бадий китобларни совға қилишмоқда.

Ҳозирда уларнинг сони 325тадан ошди.

**Гулжамила
АЪЗАМХУЖАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
105-мактаб ўқитувчиси**

ДАВОЛАНИБ ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

Куни кеча Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида камқонлик касаллигига чалинган болаларни даволаш ва тарбиялаш мактаб-интернати ишга туширилди.

Шу туманининг собиқ 12-мактаб биносида ташкил этилган мазкур даволаш ва тарбиялаш муассасасини таъмирлаш, замонавий ўқув ва даволаш, дам олиш жиҳозлари билан таъминлаш учун 8,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Шуниси муҳимки, мазкур маблағлар туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва туман молия бўлимининг ҳаракати билан иқтисод қилинган бюджет маблағлари ҳисобига сарфланди.

Мактаб-интернатни ўз вақтида сифатли таъмирлаш, зарур анжомлар билан жиҳоз-

E'tibor

лашда тумандаги Ёрқишлоқ ип-йигирув фабрикаси ва барча жамоа ҳўжаликлари, ташкилотларнинг раҳбарлари фаоллик кўрсатишди.

Мактаб-интернатнинг очилиши туманда катта байрам шодиёнасига айланиб кетди. Анжуманда иштирок этган Республика Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова мазкур мактаб-интернатнинг ташкил этилиши фарзандларимиз саломатлигини тиклашдаги ажойиб ва савобли иш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўнгра мактаб-интернатга қабул қилинган 326 нафар ўқувчининг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ўқув ҳам шифо масканига ташриф буюришиб, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Тадбир якунида улар ҳомий ташкилотлар ва туман ҳокимлигига миннатдорчилик билдиришди.

О.СИДДИҚОВ

Сўнги йилларда китоб жа-
вонларимизда пайдо бўлаётган
пишк-пухта, мукамал, мазму-
нан янгиланган дарслик ва ўқув
қўлланмаларни кўриб, илм дун-
ёси яна уйғониш даврини ўз
бошидан кечираётганлигига
шоҳид бўласан киши. Халқимиз
ўтиш даври иқтисодий қийинчи-
ликларини енгиб ўтиб, моддий
бойликлар яратиш билан бирга,
маънавий бойликларни ҳам ву-
жудга келтирмоқда.

Олий мактаб олдида турган
долзарб вазифалардан бири XXI
асрга мўлжалланган дарслик ва
қўлланмаларни зудлик билан
яратишдан иборатдир. Бу муам-
мони бартараф қилишда аввал-
лари моддий-техник база етиш-
мас эди. Компьютер техникаси
ва кўпайтириш ускунаси, кичик
полиграфия ва электрон алоқа
соҳасидаги мислсиз янгиликлар
ижод қилишга техникавий жи-
ҳатдан катта имкониятлар бер-
моқда. Демак, олдимизда тур-
ган вазифаларни бажаришга шу
куннинг, XXI асрнинг талаби
нуқтаи назаридан киришиши-
миз керак бўлади.

1994 йилда АҚШга қилган
хизмат сафарим вақтида менга
америкалик ҳамкасбларим кимё,
биология ва медицина соҳаси-
да сўнги беш йилга тегишли
даврий журналларни ҳеч қандай
тўловсиз ўз юртимга олиб ке-
тишни таклиф қилишган эди.
Бу, албатта, ўз вақтида кишини
чексиз ҳайратга соладиган так-
лиф бўлиб, фарбадагиларнинг бу
даврга келиб, қозғога битилган
адабиётдан компьютерга битил-
ган адабиётларга ўтиши эди.
Дунё эса янгиқа қарашларга
асосланган "Ахборот инқилоби"

арафасида турарди. Қозғога би-
тилган мактублар ўрнига сим ва
фазо орқали юборилаётган
"электрон хатлар" юзага келаёт-
ган ва дунёни аста-секин
"Internet" тармоқлари ўраб ке-
ларди. Глобал коммуникация со-
ҳасида мисли кўрилмаган ин-
қилобий ўзгаришлар юз бери-
ши кутилди. Эндиликда эса
биз ана шундай умуминсоний
инқилобий ўзгаришлар шоҳиди-
миз. Бу ўзгаришлар ҳосиласи-
нинг яқин ўн йиллар чамасида
жаҳон тараққиётига ўз таъсири-
ни кўрсатишига ҳеч қандай шуб-

Yangi pedagogik texnologiya

сида жиддий ва зудликда тахрир
қилинган, зарур бўлган тақдир-
да, расмиятчиликка риоя қилин-
ган ҳолда, магнит нусхани ти-
пографик чоп этиш учун махсус
тахририятларга ёки кўмиталар-
га юбориш керак. Бунда бирин-
чи қадамдаёқ, муаллифлик
ҳуқуқи ҳимояланган ва зарур
ҳужжатлар билан қайд қилинган
бўлиши зарур. Акс ҳолда кўчир-
мачилик балосига йўл очиб бе-
рилган бўлади.

ларни тармоқ орқали кўчириб
олишлари ҳам мумкин.

Китоб ёки босма махсулот-
ларни арзон тайёрлаш ва зуд-
лик билан тарқатиш усули улар-
нинг компакт ёки лазер дискет-
ларидаги вариантлари яратиш-
дан иборат. Бир дискетга маъ-
лум мутахассисликда ўқиётган
талаба учун мўлжалланган бар-
ча дискетлар кутубхонаси сига-
ди. Агар махсус фанларга бир
лазер дискетаси, педагогик фан-
ларга иккинчиси ва ижтимоий
фанларга учинчиси тайёрланса,
талаба ёки ўқитувчилар бир ёки
икки қимматбахо китоб пулига
тўрт ёки беш йил давомида
фойдаланадиган бутун бир ада-
биётлар миникутубхонасига эга
бўлардилар. Профессор-ўқитув-
чилар зарур бўлган тақдирда
магнит китобларини ўзларига
мос тарзда тахрир қилиб, улар-
да маъруза матнларини тайёр-
лашда фойдаланишлари мум-
кин. Бу эса ўқитувчиларимизга
янги педагогик технологияни
ўқув жараёнига киритишларида
қўл келади. Шунинг ҳам айтиш
керакки, агар айрим фанлардан
ўқув ёки ҳисоб дастурлари зар-
ур бўлса, бу дастурлар ҳам
миникутубхонага киритиб қўйи-
лиши ва зарур қўлланмалар
билан таъминланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, энди-
ликда янги аср, истиқлол бизга
берган улкан имкониятлардан
самарали фойдаланиш вақти
келди.

В.СОБИРОВ,
Тошкент вилоят давлат
педагогика институти
ўқитувчиси

МАГНИТ ДИСКЕТЛАР — ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА

ха йўқ.

Биз — таълим-тарбия ходим-
лари ҳам давр талабидан келиб
чиққан ҳолда олий мактаб дарс-
ликлари танқислигини зудлик
билан бартараф қилиш учун ўз
ҳаракатларимизни амалга оши-
ришимиз керак. Бу мақсад йўли-
да ўқув жараёнида қўлланилаёт-
ган маъруза матнларини
"WORD" тахрирчилик дастури
асосида магнит дискетларига
теришимиз, уларни Олий ва
ўрта махсус таълим ёки Халқ
таълими вазирлигининг тегиш-
ли муассасаларига топшириши-
миз зарур. Матнлар мутахассис-
лар томонидан жамоатчилик асо-

Магнит дискетларидаги
матннинг иккинчи нусхаси
кўмиталардаги масъуллар томо-
нидан тегишли олий ўқув юр-
тиларга тарқатилиши зарур. Тар-
қатилиш жараёни тизлашти-
риш учун электрон почтасидан
ҳам фойдаланиш мумкин. Жой-
ларда магнит матнлари кичик
типографик қурилма ёки компь-
ютерларда кўпайтирилиб, қозғо-
ларга ўтказилиши ёки фойда-
ланувчи томонидан бевосита
компьютердан ўқилиши мум-
кин. Агарда "INTERNET" тармо-
ғида "варак" очилиб, кутубхона
жорий қилинса, ахборот истеъ-
молчилари керакли адабиёт-

СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Ўзбе-
кстон телерадиокомпанияси,
Ўрта махсус, касб-хунар таъли-
ми маркази ҳамкорликда ўқув-
чиларнинг физика, математика,
иқтисодий билим асослари,
кимё фанларига бўлган қизи-
қишларини орттириш, иқтидор-
ли ёшларни аниқлаш, рағбат-
лантириш ҳамда халқаро олим-
пиадаларга танлаш имкониятла-
рини кенгайтириш мақсадида
сиртки телевизион олимпиада
ташқил этди. Сиртки олимпиа-
да уч босқичда ўтказилиб, ҳар
бир босқич учун тайёрланган
савол-топшириқлар телевиде-
ние орқали ҳамда "Маърифат",
"Тонг юлдузи" газета саҳифала-
рида бериб борилди. Бу олим-
пиадада, айниқса, Бухоро, Хо-
разм, Қашқадарё, Фарғона ви-
лоятлари ўқувчилари фаол қат-

нашдилар. Яқинда сиртки теле-
визион олимпиаданинг якунлов-
чи босқичи ўз нихоясига етди.

Унинг натижаларига кўра, **фи-
зика фани бўйича** Тошкент ви-
лояти Чиноз туманидаги 27-
мактаб ўқувчиси Азамат Эргаш-
ев (1-ўрин), Хоразм вилояти
Хозарасп туманидаги 7-лицей
ўқувчиси Талант Рўзиметов (2-
ўрин), Хоразм вилояти Хозарасп
туманидаги 7-мактаб ўқувчиси
Хуршид Нурметов (3-ўрин), Бу-
хоро вилояти Қоракўл тумани-
даги иқтидорли ёшлар мактаб-
интернати ўқувчиси Жалол Кур-
бонов (4-ўрин)лар, **математи-
ка фани бўйича** Андижон ви-
лояти Марҳамат туманидаги 3-
мактаб ўқувчиси Уткир Ақромов
(1-ўрин), Бухоро вилояти Қо-
ракўл тумани иқтидорли ёшлар
мактаб-интернати ўқувчиси
Фарҳод Жумаев (2-ўрин), Фар-

ғона вилоятидаги 8-лицей ўқув-
чиси Нозим Қодиров (3-ўрин)-
лар, **иқтисодий билим асос-
лари фани бўйича** Андижон
вилояти Қорасув шаҳридаги
иқтидорли болалар мактаби
ўқувчиси Нуродил Мўминов (1-
ўрин), Бухоро вилояти Қоракўл
туманидаги иқтидорли ёшлар
мактаб-интернати ўқувчиси Фа-
рҳод Жумакулов (2-ўрин), Фар-
ғона шаҳар олимпиада захирал-
ари мактаби ўқувчиси Акбар
Сайфиддинов (3-ўрин), Ўзбеки-
стон Миллий университети қоши-
даги академик лицей ўқувчиси
Фарҳод Исоқов (4-ўрин)лар,
кимё фани бўйича Бухоро ви-
лояти Қоракўл туманидаги
иқтидорли ёшлар мактаб-ин-
тернати ўқувчиси Беҳзод Холи-
ев (1-ўрин), Жиззах вилояти
Зомин туманидаги 37-мактаб
ўқувчиси Шаҳноза Рашидова (2-

ўрин), Бухоро вилояти Қоракўл
туманидаги иқтидорли ёшлар
мактаб-интернати ўқувчиси
Қурбон Ражабов (3-ўрин), Бу-
хоро вилояти Қоракўл туманида-
ги иқтидорли ёшлар мактаб-
интернати ўқувчиси Шавкат
Тангриев (4-ўрин)лар олимпиа-
дада юқори кўрсаткичга эриш-
дилар.

Ғолиб ўқувчиларга Ўзбеки-
стон телевидениеси, Халқ таъли-
ми вазирлиги, РТМнинг Фахрий
ёрлиқлари ва эсдалик совғала-
ри топширилди. Шунингдек,
олимпиадада физика, математи-
ка, иқтисодий билим асослари,
кимё фанларидан 1-ўринни ол-
ган ғолиб ўқувчилар Халқ таъ-
лими вазирлиги томонидан
ташқил қилинадиган "Иқтидор-
2001" ёзги мактабига таклиф
қилиндилар.

Республика Таълим маркази

ХОТИРА БОФИДАГИ ХОТИРАЛАР

*Хотира куни эди. Ҳар
йилгидек онам билан шу
куни бувимникига бордик.
Ҳовлига кирар эканмиз, су-
пада қўлларини тиззалари-
га қўйганча, узоқ ўйга
чўмган бувижоним ўтирар-
дилар. У кишининг юзла-
рини ажин босган, бошла-
рига ёпинган оппоқ доқа
рўмоллари сочларининг
ранги билан қўшилиб уй-
ғунлашиб кетгандек эди
гўё.*

*Қадам товушларини
эшитган бувим сергакла-
ниб, биз томонга қараркан,
суюниб кетди. Ҳол-аҳвол
сўрашиб, ичкарига одим-
ладик. Дастурхон ёзилди.
Бувимларнинг хурсандлик-
лари шундоқ юзларидан
сезилиб турарди. У киши
бугунги куннинг хосияти
ҳақида сўзларкан, ойнаи
жаҳонда кўрсатилган
кўрсатув орқали ҳукумати-
миз томонидан боблар ру-
ҳини шод этиш мақсадида
янги хотира майдонининг
барпо этилганлиги, у ерда
урушда шахид кетган ота-
боболаримиз, ҳатто, бо-
бонинг номлари ҳам зикр
этилганлигини тўлқинла-
ниб гапираркан, кўзларида
ёш қалқди.*

*— Ҳанда 27 ёшда
эдим, — деди бувим кўз-
ёшларини артиб, — уруш
бошланиб уч бола билан
ёлғиз қолдим. Шукрлар
бўлсинки, мана бугун ҳам-
маси уйли-жойли бўлиш-
ди. Энди ўша майдонга бо-
риб, бир бора бобонинг
исмларини ўз кўзларим
билан кўрсам, армоним йўқ
эди.*

*Шу куни бувим билан
Хотира майдонига бордик.
Барча ўтганларни хотир-
лаб, уларнинг руҳи — покла-
рига дуолар ўқидик.*

*Бугунги кунлар ҳам хоти-
рага айланади. Баъзан хо-
тира боғида сайр қилар-
канман, ёнаётган мангу гул-
хан ёнида узоқ ўйга чўмган
она ҳайкалини кўрганимда
кўз ўнгимда бувим гавда-
ланиб, у кишининг бобом
ҳақидаги айтган ҳикоялари,
мустақиллик берган
неъматлар, бугунги тинч
ҳаёт учун ўқиган дуолари
қулоғим остида янграёт-
гандай бўлаверади.*

НОЗИМА ЗИЯЕВА,
Тошкент шаҳридаги
34-мактаб ўқувчиси

Moziy va bugun

Осиё давлатлари орқали Осиё ва Европа йўналишида 4
та йулакни ўз ичига олади.

— Яна бир энг хайрли амалий иш бу 1999 йилда "Ўзав-
тойўл" Давлат акционерлик концерни қошида БИЙ
илмий тадқиқотлар марказининг ташқил этилишидир.
Ўтган қисқа давр ичида марказ аъзолари бўлган Ўзбе-
кстоннинг таниқли тарихчи, этнограф, демограф, ар-
хеолог ва географ олимлари томонидан қадимий Ипак
йўлининг маданий ва маънавий мерослари чуқур ўрга-
нилди. Маҳаллий ва халқаро матбуотларда илмий-амали-
ий натижалар ёритиб борилмоқда. 2000 йилда Ўзбе-
кстон олимлари томонидан БИЙ буйлаб биринчи ил-
мий экспедиция ташқил этилди. Тупланган қимматли
маълумотлар асосида иккита ҳужжатли фильм ва 5 та
хронологик илмий асарлар ёзилди.

Миллий маънавий қадриятларимизнинг олтин
халқаси бўлган қадимий ипак йўллари намунали бар-
по этаётган ва қайта тиклаётган "Ўзавтойўл" мутахас-
сисларига хайрли ишларида омад ва муваффақиятлар
ёр бўлишини истаймиз!

Муборакхон МАХМУДОВА

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

лигида ушбу қадимий йўл тармоқларини янада кенгай-
тириш ва тармоқлар атрофида савдо, туризм ва мада-
ний иншоотларни барпо этиш лойиҳалари қизгин му-
ҳокама этилди. Ўзбекистон Миллий университети де-
мография кафедраси доценти, олим ва сайёҳ Зокир-
жон Раимжоновнинг ушбу улкан иншоотлар ҳақидаги
фикрлари шундай:

— Ўзбекистонда бу хайрли иш аслида 1988 йиллар-
даёқ лойиҳалаштирилган эди. Истиқлол йилларида эса
шахсан Президентимиз эътиборига тушди ва янада ри-
вожланди. Бу борада "Ўзавтойўл" давлат акционерлик
концерни мутахассислари шу кунгача қадимий ипак
йўлининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи ва ҳатто қушни
Қирғизистон ва Туркменистон ҳудудларидаги 4 та йуна-
лишлари бўйича қурилиш ишларини амалга оширдилар.
Хитойнинг Сям шаҳридан бошланган БИЙ Ўрта


Инсоният тарихий тараққиётининг бетакрор миллий
мероси сифатида шакланган Буюк Ипак йўли милод-
дан олдинги I-аср ўрталаридаёқ Осиё билан Европани
боғлаб турган ягона эзгулик йўли сифатида қадрлан-
ган. Европаликлар шарқлик матонатли савдогарларни
илк халқаро элчи сифатида қабул қилишган ва юксак
эҳтиромлар кўрсатишган. Бугун жаҳон ҳамжамиятида
ҳар соҳада ўз имкониятларига ва салоҳиятга эга бўлган
жонажон Ўзбекистонимиз истиқлол йилларида Осиё
давлатларидан биринчи бўлиб қадимий Ипак йўлини
қайта тиклаш ҳақидаги халқаро битимларнинг ташаб-
бускори сифатида амалий ишлар олиб бормоқда.

Яқинда мамлакатимиз ҳудудларида чет эллик йўлсоз-
лар билан биргаликда олиб борилган самарали ишлар-
га камарбаста бўлаётган Ўзбекистон автомобил Дав-
лат акционерлик концерни томонидан ЮНЕСКО ҳисо-
бида турган Буюк Ипак йўлини лойиҳалаш ва тиклаш
бўйича Хитой-Ўзбек йўлсозларининг Халқаро конфе-
ренцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон то-
монидан "Ўзавтойўл" давлат акционерлик концерни ди-
ректорлар Кенгаши раиси Олимжон Бурунов ва "Буюк
Ипак йўли" илмий тадқиқотлар маркази раҳбари Аб-
дулла Ҳошимовлар раҳбарлигида Хитой давлат элчи-
наси ва Хитой қуруқлик йўллари халқаро инженерлик
ассоциацияларининг 10 та йирик компаниялари ҳамкор-

Ўзи меҳнат қилаётган соҳада муайян ютуқларни қўлга киритган, эл назарига тушган, обрў-эътиборга сазовор аксарият инсонларнинг икки тоифа устози бўлади. Бири—болалигида мактабда таълим-тарбия бериб, танлаган, умр мазмунига айланиб қолган касб-корига нисбатан илк ҳавас, меҳр уйғотган, орзуларини учқунлантирган муаллим бўлса, иккинчиси—ана шу мақсадларига етишига раҳнамолик қилган, қўллаб-қувватлаган, унинг камолотиغا елка тутган инсон—маънавий устоздир.

Бухоро Давлат Университети ректори, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Нью-Йорк фанлар академиясининг фахрий аъзоси Комил МУҚИМОВ билан суҳбатимиз асносида гап ана шулар ҳақида кетди.

Mehmonxona



рнинг аксарияти турли муассаса ва корхоналарнинг раҳбарлари бўлиб, улар истиқболни режалаштиришда тавсиялар берадилар.

Ўқув, моддий-техника базаси ривожда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Университет ташкил қилинганида атиги 2 та, IBM-286 русумли компьютер бор эди. Ҳозир 300 дан ортиқ замонавий, аксарият "Pentium" русумли компьютерлар ишлатилляпти. 3 та канал "Интернет" тизими уланган. 6 та факультет локал компьютер тизими орқали боғланган. Қол-

фессор Е.И.Кондарский, термоманит эффект мавзуида илмий тадқиқотлар олиб борганимда эса профессор, магнитизм соҳасининг катта билимдони А.Шишков устозлик қилдилар.

—Комил ака, раҳбар кишининг фаолияти ўзи бош бўлган бутун жамоа ҳаёти билан узвий боғлиқ кечади. Бухоро Давлат педагогика институтининг негизда ташкил этилган университет фаолиятига ҳам қарийб 10 йил бўляпти. Ўтган давр мобайнида бу олий даргоҳда қандай ўзгаришлар юз берди?

—Тошрабтадан Гиштига (Бухоро вилоят Гиждувон туманидаги "Пахтаобод" ва "Оқолтин" жамоа хўжалиқлари) қатнаб ўқирдик. Ўша пайтда ўрта мактаб жуда кам эди. Гиждувон туманининг қарийб ярми юқори синфга ўтгач, шу мактабга келарди. Синфимизнинг олд ўқувчиси эдим. Физика фанидан иккинчи жаҳон уруши туфайли тақдир тақозоси билан шу ерга келиб қолган раҳматлик Ҳалима Газиева деган бошқирд аёли дарс берарди. Очиғи, унинг дарсларини илҳақ кутардик. Айниқса, мен ҳам физика фанига қизиқардим. "Сен физик бўлишинг керак, сендан яхши физик чиқади", дерди у. Қўлимдан «Физика» дарслиги тушмасди.

Бир кун шу муаллима беш-олти дарс аввал мен айтиб бериб "5" баҳо олган мавзунини қайтадан сўраб қолди. Яхши айтиб беролмадим. Табиийки, у, жавобимдан қониқмади ва "Сен мавзунини тез ўрганиб, тез унутар экансан-да", деб дашном берди. Олд ўқувчи эмасманми, синфдошларим олдида, бунинг устига ўзим ихлос қўйган муаллимдан бу гапни эшитиш оғир ботди. Ўйлаб кўрсам, мавзунини келгуси дарсда айтиб бериш, аъло баҳо олиш учун ҳаракат қилар эканман. Шу-шу мавзуга чуқурроқ қириб боришга, моҳиятини англашга, хотирамда сақлашга ҳаракат қиладиган бўлдим. 1957 йилда 6 та синф, ҳар бири 30 нафардан, 180 бола ўнинчини тугатдик. Физикадан битириш имтиҳонлари консультациясини ўтишни менга топширишди. Консултация пайтида Ҳалима Газиеванинг ўзи, мактабдаги қолган икки физика муаллими ҳам 180 ўқувчи қаторида ўтиришарди. Мен улар олдида тутилиб қолмаслик, ўзимни йўқотиб қўймаслик, ишончини оқлаш учун жуда қаттиқ тайёрлардим кўрардим. Бугун ўйлаб қарасам, ана ўша ҳолатлар мени масъулиятни ҳис этишга, интилишга, меҳнатдан қочмасликка, олдимга аниқ мақсад қўйишга ўргатган экан. Ўз ҳаётим мисолида айтишим мумкинки, боланинг камолотида оила, атроф-муҳитнинг аҳамияти катта. Лекин унинг улғайиб инсон бўлиши, таълим-тарбияси кўп жиҳатдан муаллимга боғлиқдир.

Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатганимга боис, физика ва математика фанларидан суҳбат билан ҳозирги ЎЗМУ талабалигига қабул қилиндим. Кейинчалик, аъло ўқийдиган талабалар қаторида 3 курсдан Москва Давлат университетининг физика факультетида тахсилни давом эттирганимда, про-

КЕЛАЖАК — МУАЛЛИМГА БОҒЛИҚ

—Аввал пединститутда, асосан, умумтаълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрланган. Университет бўлгач ўқув режаси, таълим стандартлари муайян даражада ўзгарди. Олдимизга педагог кадрлар билан бир қаторда халқ хўжалигининг турли соҳаларига мутахассислар етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бир фикрни айтишим керак. Янги жамоа билан тезда тил топишиб, чиқишиб кетишимда, фикримча, бу вазифага тайинланганимга қадар илм захматини чекканим, фаолиятимни оддий лаборантликдан бошлаб кафедра мудири, ТошДУ физика факультети декани бўлиб ишлаганим, орттирган ҳаётий тажрибам қўл келди. Дастлаб агрономия, агрокимё ва тупроқшунослик, агромуҳандислик мутахассисликлари базасида аграр факультет ташкил этидик. Иқтисод факультети очилди. Мазкур факультетда беиз санъати факультетида миллий хунармандчилик бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳар йили экология мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилинапти. Ижтимоий-гуманитар фанлар маркази ташкил қилиниб, ундаги социология бўлимида талабалар тахсил кўришапти. Университетимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро институтнинг таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Келгусида қайси мутахассисликларга эҳтиёж юзага келишини аниқлаш мақсадида университет ҳузурида 60 кишидан иборат васийлар уюшмаси тузилган. Уюшма аъзола-

ган, бош биномиздан узокроқ масофадаги биноларда жойлашган 3 та факультет эса модём орқали уланади. Бу қоғозни камайтириш, тезкор ахборот алмашиш, ижро интизомини таъминлаш, таълим жараёнларида компьютер техникаси имкониятларидан самарали фойдаланишда қўл келмоқда. Рейтинг назорати турлари, бу жараён билан боғлиқ механизм тўлалигича компьютерга киритилган. Компьютер орқали республика Давлат Тест Марказига уланганмиз. Бу имконият абитуриентлар билим даражасини аниқлашда ва олдиндан ўз имкониятларини реал баҳолашда қулайлик тугдирмоқда.

Шу ўринда нодир китобларнинг электрон кутубхонаси, ҳар бир дарсни уюштиришда тўла, бой мазмун ва кўргазмалар воситалар билан қамраб олган электрон китобдан фойдаланаётганимизни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳозирча ҳисоблаш математикаси, биология, кимё, физика, иқтисод сингари фанлардан ўтилаётган машгулотларда электрон китоб кенг қўлланилапти.

—"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, юқсак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу вазифаларни рўёбга чиқаришда хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашиш ҳам му-

ҳим аҳамиятга эга.

—АҚШнинг Брентон Паркер коллежи, Миср Араб Республикасининг Айн Шамо, Германиянинг Берлин, Бохум, Бонн, Франциянинг Сент-Этьен, Шамберн, Сорбонна, Италиянинг Трень, Перуджа, Пизза, Англиянинг Реддинг, Саудия Арабистонининг Эр-Риёд университетлари билан тузган ҳамкорлик шартномаларимиз яхши самара бермоқда. Уларнинг бирида ўқитувчиларимиз малака ошириб, тажриба алмашиб қайтаётган бўлса, бошқасида талабаларимиз магистратурада тахсил кўрмоқдалар. Ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориляпти. Бу олий даргоҳларнинг вакиллари ҳам ўзаро келишувга биноан, университетимизда бўлиб маъруза ўқияптилар.

1997-2000 йиллар учун "Туризм иқтисодиёти" бўйича "ТЕМПУС" дастурида лойиҳамиз билан қатнашгандик ва у тасдиқланган эди. Натижада университетга 374 минг эю ҳажмида грант ажратилди ва шунга асосан ҳамкор университетлар сифатида Франциянинг Гренобль, Италиянинг Тренто, Ирландиянинг Лиморк университетлари бел-

ҳамкорлиги, ислохот жараёнларидаги иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Очиғи, бу йўналишдаги ишларимиз ўзимизни қаноатлантирмайди. Дарсликлар тайёрлаш жараёнида янада фаол қатнашимиз зарур.

— Шу ўринда ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

—Муаммоларимиз ҳам етарли. —Лекин биринчи муаммо — магистратура учун ажратилаётган мутахассислик ва ўриннинг ниҳоятда камлиги. 32 йўналиш бўйича бакалавр тайёрлаётганимиз ҳолда 6 йўналишда магистратура мавжуд. Муаммонинг ниҳоятда долзарблиги шундаки, коллеж ва касб-хунар таълими тизими учун Тошкент педагогика университети умумтаълим йўналиши, Наманган муҳандислик педагогика ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтлари муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича базавий олий ўқув юртлари қилиб белгиланган. Биргина Бухоро вилоятининг ўзида ҳар йили 10 га яқин касб-хунар коллежлари ишга тушириляпти. Миллий дастурда бу тур таълим даргоҳларини магистрлар билан таъминлаш таъкидланган. Энди бир ўйлаб кўринг, ҳар бир касб-хунар ўқув юрти, лицейда ишлаш учун қанча магистр керак бўлади? Республика кўламида ҳар йили кўллаб янги муассасалар очилаётганлигини ҳисобга олсангиз, эҳтиёж ниҳоятда катталиги ойдинлашади. Юқорида қайд этилган атиги 3 та олий ўқув юрти уларнинг барчасига магистр маълумотига эга мутахассислар етказиб беролмаслигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Албатта, масаланинг моддий, иқтисодий билан боғлиқ жиҳатлари борлигини ҳам яхши тушунамиз. Менимча бакалавр ўринларини камайтириш ҳисобига бўлса ҳам магистр тайёрлаш йўналиши кўпайтириш керак. Негаки, миллий дастурнинг иккинчи босқичи бажарилиши асосан таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассислар билан нечоғли таъминланишига боғлиқ. 19 йўналиш бўйича аспирантура, 4 йўналишда докторантура мавжуд. Бу миқдор ҳам зарурият, ҳақиқий аҳволни ҳисобга оладиган бўлсак, университетимиз учун камлик қилади.

— Суҳбатимизни анъанавий савол: "Келгуси режаларингиз" ва "Маърифат" газетхоналарига тилақларингиз билан якунласак.

—Ниятим, БДУни мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртлари қаторига қўшиш, барча соҳалар бўйича магистратура очилган эришиш, бутун жамоа кучи, билим ва таҳрибасини ислохот жараёнларида янада фаол иштирок этишга йўналтиришдан иборат. Қолаверса, бу таълим-тарбияга дахлдор ҳар бир инсоннинг шарафли бурчи, давр тақозосидир.

Газетхоналарга эзгу истогим: хонадонларидан тотувлик, файз-баракат аримасин, жамоаларида ҳамжихатлик, соғлом муҳит барқарор бўлсин...

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ суҳбатлашди.

Ўқувчи орзулаган фасл — ёз келди. Энди болаларнинг куни туғди, деяверинг. Уларнинг кўнглидаги биринчи истак — оромгоҳга бориш. Хўш, бугун ўша оромгоҳлар ўқувчи талабини қондирадими? Катталар бу ишга қандай муносабат билдиришяпти?

Болаларнинг ёзги таътиллари марокли ўтказишларини таъминлаш, оромгоҳларда олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбия ишлари, турли тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик Андижон вилоятида қандай амалга оширилмоқда?

Бола ҳаётида муҳим ўрин тутадиган дам олиш мавсумини унинг эсидан чиқмайдиган қилиб ўтказиш, таътил даврида ҳам ўқувчи маънавиятини шакллантириш, спорт соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирокини таъ-

рида қатнашишди. Вилоят касабачи уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик ўқув машғулотида 12 нафар оромгоҳ директори иштирок этди.

Оромгоҳларда ишловчи етакчи ва тарбиячиларнинг 324 нафари вилоят ўқувчи-ёшлар саройида бўлиб ўтган ўқувда қатнашишди. Бўз туманидаги "Истиклол" оромгоҳида вилоят касабачи уюшмалари кенгаши томонидан оромгоҳлар бошқаруви билан бир кунлик амалий семинари ўтказилди. Андижон туманида жойлашган "Қалдирғоч" болалар оромгоҳида бўлган семинарда эса дам олиш масканлари бош етакчилари ўзларининг билим ва маҳоратларини бойитдилар.

Болалар оромгоҳларида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилганида, Хонобод шаҳридаги "Оловуддин", "Нур", Хўжабод туманидаги "Бог-

ни эса бошқа гуруҳ ва соҳалар бўйича дам олиш режалаштирилган. "Бешариқ" ва "Богбон" оромгоҳларида болаларни қабул қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. 24 нафардан педагог ходимлар, тиббиёт ва ошхона ходимлари ўз вазифаларини бошлашга шай туришибди.

Балиқчи туманида иккита хўжаликларо — Охунбоев номли ва "Дилором" болалар оромгоҳлари мавжуд. Охунбоев номли оромгоҳ бир навбатда 400 нафар боланинг дам олишига мўлжалланган. Хомийлик ёрдами кўрсатадиган ташкилотлардан "Алишер Навоий Интернейшнл" қўшма корхонаси, Катта Андижон канали бошқармаси, "Пахтабанк"нинг Чинобод бўлими ва "Чинободматлуботсавдо" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари ўзларига белгилан-



Таътил бошланди. Болаларнинг бўш вақтлари энди оромгоҳларда, соя-салқин жойларда ўтиши шубҳасиз. Тошкент туманидаги 7-мактаб қошида иш бошлаган "Ором" соғломлаштириш майдончаси ҳам шу кунларда болаларнинг севимли масканига айланди. Мактабнинг дарахлар билан бурканган ҳовлисида 1008 нафар болажонлар мазза қилиб ҳордиқ чиқаришади.

Суратларда: "Ором" соғломлаштириш майдончасида болалар спорт ўйинлари билан банд.

Р.АЛЬБЕКОВ
олган суратлар.



ОРОМГОҲЛАР МУҲИМАМИЗ

минлаш ҳамда ўтаётган ҳар бир кун унинг ҳаётида қандайдир из қолдиришини таъминлаш, бугун шу вазифага масъул шахсларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Вилоят халқ таълими бошқармасида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини марокли ўтказишни таъминлаш борасида анчагина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Умуман, ўқувчилар дам оладиган ҳар бир оромгоҳ эътиборда, назоратда. Шу кунгача қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги 13 та, давлат ва нодавлат ташкилотларига қарашли 9 та, шунингдек 17 та таълим муассасалари қошидаги болалар оромгоҳлари дам олувчиларни қабул қилиб олиш учун тайёрланди. Шу билан бирга 8 та шаҳардан ташқари, 5 та мактаблар қошидаги ҳамда 2 та меҳрибонлик уйидаги, 1 та махсус мактаб-интернатда ташкил этилган оромгоҳларда сўнгги юмушлар бажарилаяпти.

Оромгоҳлар тарбиячилари, етакчилари ва бошқа ходимларини тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. 30 та оромгоҳ раҳбаридан 13 нафари Тошкент шаҳрида 5 кунлик ўқув-амалий семина-

рида қатнашишди. Вилоят касабачи уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик ўқув машғулотида 12 нафар оромгоҳ директори иштирок этди.

Оромгоҳларда ишловчи етакчи ва тарбиячиларнинг 324 нафари вилоят ўқувчи-ёшлар саройида бўлиб ўтган ўқувда қатнашишди. Бўз туманидаги "Истиклол" оромгоҳида вилоят касабачи уюшмалари кенгаши томонидан оромгоҳлар бошқаруви билан бир кунлик амалий семинари ўтказилди. Андижон туманида жойлашган "Қалдирғоч" болалар оромгоҳида бўлган семинарда эса дам олиш масканлари бош етакчилари ўзларининг билим ва маҳоратларини бойитдилар.

Болалар оромгоҳларида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилганида, Хонобод шаҳридаги "Оловуддин", "Нур", Хўжабод туманидаги "Бог-

ни эса бошқа гуруҳ ва соҳалар бўйича дам олиш режалаштирилган. "Бешариқ" ва "Богбон" оромгоҳларида болаларни қабул қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. 24 нафардан педагог ходимлар, тиббиёт ва ошхона ходимлари ўз вазифаларини бошлашга шай туришибди.

Балиқчи туманида иккита хўжаликларо — Охунбоев номли ва "Дилором" болалар оромгоҳлари мавжуд. Охунбоев номли оромгоҳ бир навбатда 400 нафар боланинг дам олишига мўлжалланган. Хомийлик ёрдами кўрсатадиган ташкилотлардан "Алишер Навоий Интернейшнл" қўшма корхонаси, Катта Андижон канали бошқармаси, "Пахтабанк"нинг Чинобод бўлими ва "Чинободматлуботсавдо" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари ўзларига белгилан-

ган ишларни уддалаб бўлишди.

"Дилором" оромгоҳида ҳам бу йил туман меҳнаткашлари фарзандларидан 1200 нафари дам олиши керак. Бу ерда ҳам тайёргарлик ишлари кўнгиладигидек бажарилди.

— Бу йилги мавсумга ҳар йилгидан кўра пухта тайёргарлик билан кириб бораёмиз, дейди деҳқончилик саноати ходимлари касабачи уюшмаси туман кўмитаси раиси Матлубахон Ҳалилова. — Ёз давомида оромгоҳларда ўтказиладиган тадбирлар режасини тайёрлаб қўйдик. Энг асосийси озик-овқат маҳсулотлари таъминотида узилышларга йўл қўйилмайди. Ўтган йилда ана шу мақсадларга 18 миллион сўм сарфланган бўлса, бу сафар 28 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш тўғрисида қарор қилинди.

Ҳа, айрим муаммо ва камчиликларни ҳисобга олмаганда, Андижон вилоятида ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олишларини таъминлаш борасида қилинган ишлардан кўнгил тўлади.

О.СИДДИҚОВ,
«Зиё» газетаси бош муҳаррири

МАВСУМГА ТАЙЁР

Бу йил Самарқанд вилоятидаги 32 та оромгоҳда 18 мингдан ортиқ болажонларнинг мириқиб дам олишлари режалаштирилган.

Вилоят ҳокимлиги ва касабачи уюшмалари вилоят кенгашининг 2001 йил 8 майдаги "Болалар ва усмирларнинг 2001 йилда ёзги дам олишини ташкил этиш тўғрисида"ги қабул қилган қўшма қароридан болаларни соғломлаштириш ва чиниқтириш мавсумини юқори савияда ўтказиш учун мутасадди ташкилот, идора, муассаса ва бошқармалар олдига аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Дам олиш мавсумида болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария эпидемик вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида шу соҳа мутахассислари, врач ва хамширалар оромгоҳларга болалардан 2-3 кун олдин келиб жойлашиши кўзда тутилган.

Вилоятдаги Каттақўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли "Янгиобод", Иштихон туман халқ таълими бўлимига қарашли "Қувноқ", Қўшрабат туман халқ таълими бўлимига қарашли "Пангат",

Сиёб тумани халқ таълими бўлимига қарашли "Афросиёб", Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Алломиш" оромгоҳлари болаларнинг қувноқ масканига айланди.

Бу оромгоҳларда 3700 нафар ўғил-қизларнинг шу йилги мавсумда дам олишлари режалаштирилган.

Айни кунларда самарқандликлар ҳар бир даврада 100 нафардан Орол бўйида истиқомат қилаётган ўғил-қизларни кутиб олиб, Оҳалик тоғ тизмалари эгалига жойлашган "Алломиш" оромгоҳига жойлаштириш учун ҳозирлик қиришмоқда.

Каттақўрғон шаҳрида жойлашган "Ибн Сино" оромгоҳида эса биринчи ва иккинчи давралар оралигида АҚШнинг "Тинчлик корпуси" ташаббуси билан 60 нафар ўқувчи-қизлар дам оладилар. Инглиз тилини мустақил ўзлаштираётган иқтидорли қизлар марокли дам олиш билан бирга америкалик кунгилчилар ёрдамида уз кизиқишлари йўналишида билимларини мустаҳкамлайдилар.

Назokat ШЕРБОЕВА,
"Ma'rifa"нинг махсус муҳбири

Соя-салқин оромгоҳлар ҳар йилгидек болаларни кутиб олди ва кутиб олмоқда. Бу йил республикамиз мактабларида таълим олаётган 5965100 нафар боладан қанчаси оромгоҳларда, қанчаси ота-онаси бағрида бўлишади? Оромгоҳлардаги шароитлар, мактабдан ташқари фаолият кўрсатадиган муассасалар болаларни ўз бағрига жалб қила оладими?

Биз ушбу саволларга жавобни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маънавий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозиловдан олдик.

— Республика Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан берилган маълумотларга кўра, Федерация 27000 нафар болани 696 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига дам олдиришни мўлжаллаган. "Меҳрибонлик уйлари"да ташкил этилган оромгоҳларда эса 3485 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Яқинда халқ таълими вазирининг "Меҳрибонлик" уйларида тарбия-

ланаётган етим болалар ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг вазифасида қолган болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш тўғрисида буйруғи чиққан. Унга кўра, вазирлик тасарруфидаги "Меҳрибонлик" оромгоҳида 625 нафар "Меҳрибонлик" уйи тарбияла-

Оромгоҳларга жалб этилмаган болалардан, вилоятлардан телефон орқали олган хабарларимизга кўра, 554700 нафари турли тўғарақларда, 178650 нафари ота-онаси, қариндош-уруғлари билан бирга турли саёҳатларда, 411095 нафар ўқувчи таътил давомида ота-онаси қарамоғида

цияси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ва бир қатор вазирликлар ҳамкорликда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва у ердаги ишларни кўнгили йўлга қўйиш мавзусида ўтган семинар қатнашчиларига "Ўқувчи маънавиятини шакллантириш" китобидан оромгоҳлар учун 150 дона тақдим этилди.

Оромгоҳларда ҳар йили кузатиладиган муаммолар мавжуд. Оромгоҳларни ичимлик суви билан таъминлаш, телефон алоқасини ўрнатиш, тўғарақлар иши учун хом-ашё етказиб бериш, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилиш муаммоларнинг энг долзарбидир.

Истардикки, туман ҳокимлари, фарзандларининг соғлом бўлишини истаган ҳар бир масъул шахс оромгоҳлардаги мавжуд муаммоларни таълим тизими муаммоси, деб қарамаса ва қўлларидан келадиган барча ёрдамни эртанги кун эгалари учун муҳайё қилишса.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

БАРЧА БИРДЕК ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИ

нужчилари ҳамда 275 нафар ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида билим олаётган кўнгли ярим ўқувчиларнинг дам олишини режалаштирганмиз. Уларга оромгоҳда ҳамма шароитлар муҳайё қилинади. Турли тўғарақлар фаолият олиб боради, болаларни жисмоний чиниқтириш, соғломлаштириш мақсадида спорт мусобақалари ўтказилади.

бўлади. "Меҳрибонлик" оромгоҳининг очилиш маросими 11 июнда катта тантана билан ўтказилади.

Вазирлик томонидан ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчилари учун семинар ўтказилди ва уларга услубий тавсиялар тўплами берилди. Бўстонлик туманида Республика Касаба уюшмалари Федера-

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 yilligi oldidan

Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти тайёрлаётган мутахассис кадрлар ҳозирги вақтда мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб чўзилган темир йўлларда фаолият кўрсатишмоқда. Бу даргоҳ ўзининг катта тарихига эга бўлиб, 70 йиллик солномани яратган.

Бугунги саҳифамизда институт жамоасининг ҳозирги вақтдаги фаолиятини ёритишга ҳаракат қилдик.

Milliy dastur — amalda

ЭНГ ЗАРУРИЙ ЙЎНАЛИШ

Темир йўл транспорти ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига 60-йиллардан бошлаб иқтисодчи мутахассисларга катта эҳтиёж пайдо бўлди. Бу талабни қондириш учун 1959 йилдан бошлаб институтимизда муҳандис-иқтисодчилар тайёрланди ва 1965 йилда иқтисодиёт факультети ташкил қилинди. Ҳозирги кунда факультетда уч йўналиш — менежмент, иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

Бу тизимни яратиш учун факультет жамоаси барча йўналишлар бўйича ДТСни ишлаб чиқди. Булар асосида янги ўқув режалари тузилиб, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК раҳбарияти томонидан тасдиқланди ҳамда барча фанлар бўйича намунали ишчи дастурлари тайёрланди. Ишлаб чиқилган дастурларга биноан услубий кўрсатмалар ва маъруза матнлари тайёрланиб, талабаларга етказиб берилмоқда. Факультет таркибиде 5 та кафедра фаолият кўрсатаётир. Утган йиллар мобайнида мутахассислик бўйича ўқитиладиган фанлардан темир йўл транспорти олий ўқув юртлари учун бир қатор адабиётлар нашр қилинди. Бундан ташқари замонавий компьютерлар ва "Интернет" тизимига эгамиз.

Факультетимизда 330 нафар талаба таҳсил оляпти. Шулардан 5 нафари турли нуфузли стипендия совриндорларидир. Янги 2001-2002 ўқув йилида Равшан Сирожиддинов ва Санжар Асқаров каби талабаларимиз "Умид" жамғармаси орқали хорижий давлатларда магистратура таълимини давом эттиришади.

Карим ТЎРАЕВ,
иқтисодиёт факультети декани




"Локомотивлар ва тепловозлар" кафедраси томонидан олиб борилаётган машғулотлар жонли ва амалий тарзда ўтказилади.

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" салмоқли ҳужжат сифатида катта мақсадларни ўз ичига олади. Бу дастурнинг ижросини таъминлашга институтимиз ўқитувчилар жамоаси ҳам ўзини дахлдор ва бурчли деб билади.

Мана, "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"нинг дастлабки 1997-2001 йилларга мўлжалланган босқичи якунлашиш арафасида турибди. Бакалавриатура ва магистратура каби таълим босқичлари жорий қилинган институтимизда бу дастур ижроси билан боғлиқ вазифалар имкон қадар уйдаланмоқда.

Аввало, таълим йўналишларини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Темир йўл тармоқлари учун бугунги кунда етук ва малакали мутахассислар керак. Ана шу мақсадда "Темир йўл ишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими" факультет



тротехника ва электротехнологияни ўз ичига олади. Магистратурадаги мутахассисликлар бешта қилиб белгиланди: **локомотивлар, вагонлар, электротяъминот, электротранспорт, йўл қурувчи ва транспорт ташувчи машиналар.**

Юқорида қайд қилинган йўналиш ва мутахассисликлар

Rektor minbari

Магистратура — таълимдаги мутлақо янги босқич. Институтимизда таълимнинг бу босқичи "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган ҳолда ташкил этилмоқда. 43 нафар магистрант бу йил институтни тугаллаб, ўз соҳаси бўйича ишга жойлашиш арафасида турибди. Улар 6 та мутахассислик бўйича диплом ишларини ҳимоя қилишади. 76 нафар магистрант эса биринчи босқични тамомлаб, кейинги босқичга ўтаётир. "Йўл, йўл хўжалиги ва темир йўллар қурилиши", "Кўприклар ва туннеллар", "Ер усти транспорт тизимлари" каби мутахассисликларни таъмомлаётган магистрантларнинг илмий тадқиқотлари катта аҳамиятга эгадир. Тадқиқотчи-

ИЖРО УЧУН ДАХЛДОРЛИК

тида кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Факультет кафедраларида олиб борилаётган илмий изланишлар нафақат етук кадрлар тайёрлашга, балки фан ва ишлаб чиқариш орасидаги узвий алоқани мустаҳкамлашга ҳам қаратилмоқда. Хусусан, бундай тадқиқотлар темир йўл тармоқларида моддий-техника ресурсларини тежашга, таълим жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг шакли компьютер тизимида амалга оширилади. "Жисмоний тарбия" кафедраси томонидан ишлаб чиқилган "Соғлом авлод учун" махсус дастури, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу дастурга кўра ҳар бир талабанинг соғлиги, жисмоний кўрсаткичлари, унинг ўқиши мобайнида назорат қилиб борилади. Ўқини тугатган талабага бакалаврлик дипломи билан биргаликда "Соғломлик паспорти" топширилади.

Яна бир асосий факультет — "Электромеханика"да таълим йўналишлари бакалаврликда ер усти транспорт тизимлари, электротяъминот, элек-

бўйича ДТС ва намунавий дастурлар яратилди. Бу эса ўз навбатида ишчи режаларини тузишга асос бўлди. Факультет қошида фаолият кўрсатаётган 7 та кафедра ўтган йили ДТМ томонидан уюштирилган аттестация якунларига кўра, барча таълим йўналишларидан муваффақиятли ўтди.

Факультетда таҳсил олаётган 394 нафар талаба 34 та гуруҳга уюшган. Ҳар бир гуруҳ ўз мураббийсига эга. Мураббий талабанинг нафақат ўқув фаолияти, балки шахсий ҳаёти, унинг ижтимоий муҳофазаси билан ҳам қизиқади.

Ҳар бир олий ўқув юрти, аввало, таълим маскани, қолаверса, илм билан шуғулланадиган даргоҳ ҳамдир. Зеро, миллий дастурнинг асосий талабларидан бири фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий алоқани таъминлаш эканлиги ҳам барчамизга маълум. Институтимизда хўжалик шартномаларига мувофиқ, ҳар йили 16-17 миллион сўмлик ишлар бажарилади. 2001 йилга мўлжалланган ишлар кўлами ҳам 17 миллион сўмдан кам эмас.

ларнинг илмий ишланмалари "Гипротранс" лойиҳалаштириш илмий тадқиқот институтига юборилади ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ахтарилади.

Биз яхши ният ва умидлар билан XXI асрга қадам кўйдик. Вақт шиддаткорлигини инсоният ўзининг эзгу ишлари билан енгиши керак. Президентимиз "XXI аср интеллектуал — баркамол ёшлар асри бўлади", дея хитоб қилдилар. Ҳақиқатан ҳам баркамол авлод яратилиши учун амалга оширилаётган таълим ислохотлари мазмуни ва моҳиятини ҳар бир фуқаро теран англаши керак. Уйлайманки, институтимизда билим олаётган ҳар бир талаба ва уларга таълим бераётган ҳар бир мураббий буни чуқур англайди. Ана шу юксак туйғуни қай даражада англаши унинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишида сезилади.

Анвар ОДИЛХЎЖАЕВ,
Тошкент Темир йўл
транспорти
муҳандислари институти
ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

КАФЕДРА — ИЗЛАНИШ МАРКАЗИ

Институтдаги кафедраларнинг барчасида таълим тизимини такомиллаштириш бирламчи вазифага айланган. Хусусан, "Электр алоқаси ва радио" кафедраси ҳам асосий эътиборни талабанинг кенг қамровли билим олишига қаратмоқда. Бу хусусда кафедра мудир, профессор А.Ҳолиқов куйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Амалиётхона талаба келгусида қўллайдиган жиҳозлар билан таъминланган бўлиши лозим. Масалан, тола оптикали алоқа воситалари кафедранинг мавжуд. Алоқа воситаларини компьютер ёрдамида бошқариш ва таъминлаш қандай қилиб амалга оширилиши ўқув жараёнида кўрсатилади. Транкингли алоқа воситаларини

қўллаш ва имкониятларини текшириш ҳам ўрганилади. Келгусида темир йўл транспорти алоқа воситасида хизмат кўрсаткичларини, узлуксиз ҳаракат хавфсизлик даражасини яхшилашга эътибор қаратилади.

Корхоналарнинг кадрларга

Та'kid

бўлган талаб ва истакларини ўрганиб чиққан ҳолда махсус фанларнинг мазмуни, ҳажми ва кетма-кетлиги режалаштирилган. Албатта, бунда бакалавр ўқув режасидаги махсус фанларнинг давоми, ривож ва янги фанлар назарда тутилган. Кафедрани ёш илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, магистратура ва

аспирантура орқали ўқитиш билан амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида кафедра профессор-ўқитувчилари бир қатор илмий-педагогик ютуқларга эришдилар. Жумладан, 1 та дарслик, 5 та ўқув-қўлланмаси, 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар чоп этилди ва ундан талабалар унумли фойдаланяптилар. Халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 10 дан ортиқ маърузалар билан иштирок этдик. Профессор-ўқитувчилар, аспирант ва талабалар 7 та республика патентига, жумладан 2 та Россия патенти гувоҳномасига эга бўлишди. Жами 200 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар чоп этилган бўлиб, булардан 20 дан ортиги муаллифлик ва 8 таси патент гувоҳномасига эгадир.

Abiturientlar diqqatiga

Бу институт 2001 йилда ҳам ўз

абитуриентларини кутиб қолади ва улар ҳукмига 2000 йилги тест натижаларини ҳавола этади.

Код	Таълим йўналишлари	Фанлар (балл)	Қабул режаси		Аризалар сони	Ўтиш бали	
			Г	Ш		Г	Ш
1001	Математика	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	34	50	205	96	76,4
1016	Иқтисодиёт	Ўзбек тили (1,1) Чет тили (2,1) Математика (3,1)	28	40	186	136,5	97,4
1040	Иссиқлик энергетикаси	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	20	27	132	85,3	70,9
1041	Автоматлаштириш ва бошқарув	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	20	30	114	102,3	78,6
1042	Касбга ўргатиш техника йўналиши бўйича	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	6	9	42	84,9	74,5
1056	Ер усти транспорт тизимлари	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	42	60	301	117,9	89

КИТОБАТ САНЪАТИ

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар амалий иш билан бир қаторда назарий билимларни ҳам ўзлаштириши лозимдир. Бошқа фанлар сингари тасвирий санъатнинг ҳам назарий асоси бўлган ўзига хос тушунча ва атамалар мажмуаси мавжуд. Ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири, бу мавжуд атамаларни тўғри ўқитишдан иборат.

Ўтказилаётган тажрибалар шуни кўрсатадики, расмларни ҳақоний тасвирлай оладиган ўқувчилар кўпгина терминларнинг изоҳини чуқур билмайдилар. Масалан, "репродукция", "иллюстрация" кабилар фарқини тўғри изоҳлаб беролмайдилар.

Тошкент шаҳрининг айрим мактабларида ўтказилган педагогикада тасвирий санъатда учрайдиган атамаларни қўллаш ва уларни чуқур ўзлаштириш юзасидан айрим тажрибалар ўтказилди. Масалан, "Китоб графикаси ва иллюстрацияси" мавзусида суҳбат ўтказилганда, китоб ҳақида кенг фикрга эга бўладилар.

Қадимда китоб муқоваси тери ва темирдан ишланганлиги ўқувчиларга тушунтирилади. Каттиқ муқованинг устки қисми қоғоздан тайёрланган безакли уст муқова билан қопланади, буни "супермуқова" дейилади. Устмуқова безакли бўлиб, ўз мазмунига мос тасвирлар чизилади, муаллифнинг исми-шарифи ва китобнинг номи ҳам ёзилади. Масалан, Т.Маҳмудовнинг "Абдулҳақ Абдуллаев" номи китобининг супермуқоваси шу тарзда безатилган.

Ўқувчиларга китобнинг супермуқовасини кўрсатиб, унинг чапки бет томони ички бети бўлиши, китобнинг ички ўнг томони эса биринчи бетлардан ҳисобланиши тушунтирилади. Бу ички икки бетни "форзац" дейилади. Форзац китобнинг сўнггида ҳам бўлади. Айрим пайтларда оппоқ қоғоз турида ёки турли рангда бўлиши ҳам мумкин. Китоблардаги "форзац" бетларига мазмунига мос расмлар ҳам тасвирланган бўлади.

Сўнг китобни варақлаймиз. Чап томонидаги варақда нақшланган безаклар тасвирланади ва "Фронтиспис" дейилади. "Фронтиспис" — китобдаги энг мазмуни гоёнинг иллюстрацияси ёки репродукцияси. Иллюстрация бу маълум бир мавзуга ишланган оққора туслардаги графикавий бадиий асар. Улар кўпинча туш билан бажарилади. Репродукция эса — маълум тасвирий санъат асарларидан чоп этилган нусха. Титул варағида эса китобнинг номи, муаллифининг исми-шарифи, пастки қисмида нашриёти, шаҳри, чоп этилган йили ёзилади.

Агарда китоб бир неча бўлимлардан иборат бўлса, ҳар бир бўлимнинг олдида унинг сарлавҳаси ва рақами ҳамда расми тасвирланган варақ бўлади. Бундай варақ бетини — "шмуц-титул" дейилади. Китоб матни бошланиши ёки ҳар бўлимнинг олдида кўйиладиган нақшли ёки сюжетли расми "бош безак" дейилади, шу бўлимнинг сўнггида қўлланиладиган бадиий безаклар эса "сўнгги безаклар" дейилади.

Китоб графикаси тўғрисида тушунча берилгандан кейин, ўқувчиларга ўзлари севиб ўқиган бадиий адабиётларнинг муқоваси тасаввур асосида чиздирилади. Бу иш жараёнини бир неча босқичларга бўлиб ўтказиш мумкин.

Таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ҳам ривожланиб, уларда тасвирий санъатнинг қисқача изоҳли иборалари йиғилади. Бу эса ўқувчиларга жуда ҳам зарур ва улар ҳам назарий, ҳам амалий билимларини бойитиб борадилар.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари учун тасвирий санъатнинг мукамал изоҳли луғати яратилмаган. Бу каби масалаларни ҳал этиш мутахассис-ўқитувчилар олдида турган жуда муҳим вазифалардан биридир.

Нилуфар ДАДАМУХАМЕДОВА,
Тошкент Давлат педагогика университети
магистранти

"БОЛАЛАРИМИЗГА БАХТ"

Юқоридагидек номланган тadbир куни кеча Республика Давлат болалар кутубхонасида бўлиб ўтди.

Ушбу тadbирнинг асосий иштирокчилари 21-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари бўлди. Уларга Успенский номидаги мусика мактабининг қобилиятли ўқувчилари, Ёшлар маркази аъзолари катта концерт кўйиб берди.

Барча болалар ўзлари чизган расмлар, куй-кўшиқлар билан ушбу тadbирда фаол иштирок этди.

Халқимизда азал-азалдан одамгарчилик, саҳоват, мурватпешалик юксак қадрланган. Кўнгли ўксик болаларни шу куни «Ўзбек—Британия—Ирландия» кўшма корхонаси, «Европа уйи ЛТД», «Сихат ва Фароғат» даволаш диагностика Маркази, «Амади», «Кока-кола Батлерс Ўзбекистон ичимлиги» фирмалари, тadbиркор ака-ука Низом ва Козим Қосимовлар меҳмон қилишди.

Шу куни барча болалар мазза қилиб рақсга тушишди, тенгдошлари билан яйраб-яшнашди. Ва улар бундай тadbирни ташкил этган барча мутахассисларга миннатдорчилик билдирдилар.

Фаргона вилоятининг деярли барча туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурда фаолият кўрсатаётган марказлаштирилган мактаб кутубхоналари тармоқларида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Кўкон шаҳар халқ таълими бўлими ҳузурда очилган адабиётларни комплекшлаш ва уларга ишлов бериш бўлими иш тажрибаси ҳар томонлама мақтовга сазовордир.

Шу сабабдан ҳам мактаб дар-

тубхоналарининг бугунги фаолияти, улар ишини янада яхшилаш билан боғлиқ вазифалар ҳақида гапирди.

Машгулотда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл ва Бериуний туманлари марказлаштирилган мактаб кутубхоналари тизими раҳбарлари А.Аметов, Н.Рўзимовлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Андижон вилоят педагогик кадрлар малякасини ошириш институти

КУТУБХОНА — ИЛМ УММОНИ

сликлари кутубхона фонди бўйича методистлар илғор тажриба мактабининг навбатдаги машгулотни айнан шу бўлим негизда ташкил этилди. Бу машгулот «Мактаб кутубхонаси марказлаштирилган тизими шароитида мактаб кутубхоналарининг маънавий-маърифий ишлари» мавзуга бағишлаб ўтказилди.

Машгулотни уюштиришда 31, 33-мактаблар ҳамда иқтисодиёт академик лицейи кутубхоналари асосий негиз бўлиб хизмат қилди.

Машгулотнинг ялпи мажлисида Фаргона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Хўжаев сўзга чиқиб, мактаб ку-

зуридаги «Педагогик ахборот маркази» раҳбари Л.Тешаева эса ўз сўзида методик-библиографик материалларни тайёрлашнинг мактаб кутубхоначилигида тутган ўрни масаласига тўхталди.

Методистлар илғор тажриба мактабининг бу машгулотни мутахассислар учун кутубхоначилик ҳужжатларини юритиш, болалар мутолаасига раҳбарлик қилиш, китобхонлик воситасида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш бора-сида малака ошириш маҳорати бўлиб хизмат қилди.

Р.РАТНЕР,
РИПК бўлим мудир

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Шунингдек, танловда Ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллаев, ЎзДЖТУ ректори Ж.Бўронов, мазкур лицей директори Ж.Ҳасановлар иштирок этишди.

Танлов уч босқичда ўтказилиб, якуний республика босқичида вилоятларда қолиб геб топилган 14 нафар ижодкор ўқувчилар қатнашишди ва ўзларининг китоблардан олган билимларини намойиш этдилар.

Ўқув муассасалари ва туманлардаги кутубхоналарга ўқувчиларни кенгроқ жалб этиш орқали ўқувчилар онгига миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадр-иятларимизни сингдириш, миллий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияни, бой адабий меросимизга бўлган меҳр ва ҳур-

матни шакллантиришга қаратилган мазкур танловда ўқувчилар саломлашиш ва ўзини таништириш, савол-жавоблар, ифодали ўқиш, энг сеvimли китоби тақдироти, эркин мавзу каби 5 та шартни бажардилар. Танловнинг якунида қолиблар аниқланиб, улар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг эса-лик совғалари ва Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар. Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин 1-Тошкент педагогика билим юрти талабаси К.Тўлабердиевага насиб этди. 2-ўрин Қашқа-дарё ва Бухоро вилоятлари, 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг ўқувчиларига насиб этди.

Р.ХОЛМУРОВОВА



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ҚЎЛЛАНМА

Яқинда газеталар саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол юяси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинди. Ундан кўзланган мақсад — миллий истиқлол юяларини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштиришдир. «Бошланғич таълим» журналининг янги асрадаги март-апрель ойлари сони дастлабки саҳифасида таниқли ёзувчи, драматург, забардаст публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Давлат тафаккури йўлида» номи мақоласи босилган. Ушбу давомли ма-

қола ўқитувчиларимизга милаф деганда нимани тушуниш керак, атамалар тарзида «миллат» иборасини қандай таърифлаш мумкин ва керак, каби саволларга жавоб топшида кўмак беради.

Таъққотчи Нодира Алавутидинова мақоласида «Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кўзда тутилган таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга қандай эришиш йўллари ҳақида фикр юритилади.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан босилган «Ота-она ибрати — муҳим қадр» мақоласида оилавий муносабатларнинг маънавий-тарбиявий асосларини ифодаловчи ўзбек урф-одатлари тўғрисидаги мақола устозларга муҳим қўлланма бўлади.

Сорос жамғармаси кимларга ҳомийлик қилиши мумкин? Лола



Мўминованинг «Сорос жамғармаси ҳомийлигида» мақоласи юқоридаги саволга жавоб беради.

Давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу муносабат билан стандарт-

ларни амалга оширувчи педагогик кадрлар ҳам кўриб чиқилиши табиий. Келажақда педагогика билим юртларини биттирувчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги ижодкорлигини, маҳоратини оширишни, олий маълумотга эга бўлишларини ўйлаш керак. Жиззах ДПИ Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудир А.Сувонқулов «Диққат, муаммо» рукни остидаги мақолада юқоридагиларга тўхталади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар бошланғич синф ўқитувчилари журналдаги «Формирование санитарно-гигиенических умений и навыков у школьников» мақоласини ўқисалар, уларга анча асқотади.

Нодира Аҳмедованинг «Ахлоқ тарбияси: оила ва мураббийлар ҳамкорлиги» мақоласида болаларни мактабга тайёрлашда давлат томонидан

қўйилган вазифаларни оналарга тушунтириш, болалар хулқи, ахлоқий ривожига бўлаётган ўзгаришларни кузатиб бориш муҳим омил эканлиги айтилади.

Ойсоат Худоевонинг «Табиатни ижодий игрок этиш» мақоласи 4-синфлар учун ижодий дарс, Шаҳрихон Мирзааҳмедованинг «Ўзбекистон—жонажон ўлка» мақоласи 4-синфлар учун ноанъанавий дарс намунаси ҳисобланади. Булардан ташқари, мақолалар ҳам муаллимларнинг иш жараёнида асқотади.

Ҳар доимгидек журналнинг илова саҳифаси 4-синф математика дарслиги муаллифлари Н.Бикбоева, К.Гирфанова, Е.Янгибоеваларнинг «4-синф математика» дарслигининг II қисми билан эълон қилинган.

Н.РАҲМАТОВА

Lev Moiseyevich Kvitko yahudiy bolalar shoiri. Ukrainaning Goloskovo degan qishlog'ida tug'ilgan. Otasi hunarmandlardan edi. O'n yoshida yetim qoldi va mustaqil hayot kechira boshladi. Ukrainaning butun shahar-qishloqlarini aylanib chiqdi. "Men maktablar haqida orzu ham qila olmas edim. Bolaligim terifurush, suvoqchi, bo'yoqchi va yana ming xil kasb bilan ishlab, turli kishilar eshigida o'tdi", deb yozgan edi u. Adabiyotni mustaqil o'rgandi. Hali yozishni bilmagan vaqtlaridayoq she'r to'qir edi. Yahudiy tilida 1918 yilda bosilib chiqqan birinchi asari "Qizil bo'ron" deb atalar edi. Keyin uning bolalar uchun "Qo'shiqlar", "Odimlar" nomli to'plamlari Xarkovda nashr etildi. Uzoq yillar yahudiy bolalar jurnalida mas'ul



ishlatadi. Nur to'kkani uchun, olamni yorug'likka to'ldirgani uchun quyoshga rahmat! Odamlarni hayratlantirgani uchun, hayotni sevdigani uchun gulga rahmat! Shoir hatto yomg'irlarga, tomchilarga ham tashakkur bildiradi. Va, eng muhimi, Korney Chukovskiy aytganidek, "Kvitko nimani sevib, sevgi nigohi bilan qarasa, o'sha narsa oltin she'riyatga aylana edi".

L.Kvitko lirik shoir, dunyoni haqqoniy, o'z holida his qiladi. Uning sevimli mavzulari: uy, bog', tuproq, yerda insonning halol ishlashi, bolalar dunyosi. Bolalar tasavvurining tozaligi va o'tkirligi, mehnat quvonchlari, do'stlik, porloq kelajakka ishonch Kvitko she'riyatining mag'iz-mag'iziga singigan. She'rlari har xil janrda yozilgan: she'riy hikoyalar, kichik

YOZISHNI BILMASDANOQ SHE'R TO'QIGAN SHOIR

kotib bo'lib ishladi. 1936 yilda Moskvaga ko'chib bordi. Ikkinchi jahon urushi yillarida Yahudiy Antifashist Qo'mitasiga a'zo bo'ldi. 1949 yilda g'ayri-qonuniy qatag'onga uchrab, 1952 yilda oqlandi. Lev Kvitko xayol shoiri emas, harakat

shoiridir. U o'zining "Ish" nomli she'rida: "Vatan! Sen uchun har vaqt yaxshi ishlash menga baxt", deb yozgandi.

Ba'zan shoirning kimligini uning ijodida eng ko'p ishlatiladigan so'zlar ham ko'rsatadi. L.Kvitko "Salom", "Rahmat" so'zlarini ko'p

dostonlar, qo'shiqlar, ertaklar, masallar. Uning ijodi xalq og'zaki ijodiyotiga yaqin, quvnoq va yaxshi yumor bilan sug'orilgan.

Lev Kvitko asarlari deyarli qirq tilga tarjima qilingan.

Miraziz A'ZAM

Lev KVIKTO

O'RMONNING BOSHI

Qorong'i o'rmonning so'ngida
Bir sayhon turadi ko'rinib.
Bir archa sayhonning o'ngida
O'sibdi o'rmondan bo'linib.
Ertalab turadi qaltirab
Bir o'zi yellarga qad tirab.

Archajon! O'rmonning ichida
Yashasang yaxshiroq bo'lmasmi?
Archajon! O'rmonning ichida
Qatoring do'stlarga to'lmasmi?

O'rmonning bag'rida, jonida,
Qarag'ay, emanlar yonida
Yashasang toleing kulmasmi?
Kim agar do'stlardan yiroqda,
Yashasa ezilar, qiynalar.
Do'l savar, qo'rqitar chaqmoqlar,
Bo'ronlar sanchadi ignalar!

"To'g'ri. Qiyin, shoximga qiyin,
To'g'ri. Qiyin ildizimga ham.
Menga taskin beradi lekin,
Bir hol qalbim qiladi bardam.
Taraqlatib urgan do'lni men,
Jalani men qabul qilaman,
O'rmon esa boshlanar mendan,
O'rmonni men boshlab beraman!"

POLVON

Yo'lchi, qara yuribdi somon!
Qadaming bos! Hushyorlik bilan!
Po'stloq, o't-xas oralab tikka
Ketayotir goh past, goh baland!
Pisand qilmay hech neni yo'lda,
Ketayotir shoshilib somon!
Hoy yo'lovchi, yo'lini bo'shat,
Bosib olma, yashasin omon.
Yo'g'ay, hech vaqt yurarmi somon?
Vo ajabo, yuryapti biroq.
Axir o'ylang, qay taxlit yursin,
Axir yo'q-ku somonda oyoq!
Gap shundaki, chumolida u.
Kuchi yetmasa ham jinqarcha
Yelkasida ulkan somonni
Eltayotir qahramonlarcha.
Kim bu yerda polvon — bilmayman,
Chumolimi va yoki somon?
Mard chumoli intilar olg'a,
Manziliga yetgay begumon.
Ish og'irmi, yengilmi — farqsiz,
Bu chumoli shunday fikrda.
G'o'lani ham tashishi mumkin
Kim uy qurmoq bo'lsa gar yerda.



KAMALAK

Zo'r jala quyib o'tdi tilkalab dalalarni,
So'ngra ergashib ketdi mos-moviy bulutlarga.
Gullayotgan shudgorlar bir shimib jalalarni
Nafas olib bag'rini to'latdi rizq-qutlarga.
So'ng birdan kerishganday ko'kdan kamalakni tutib,
Uning ikki uchini egdi ikki tomondan.
So'ng kerishib uyg'otdi bir tekis barra o'tni.
Suv oqdi, qush sayradi, saslar keldi har yondan.
Bir qizcha darvozada turib xayolga tildi.
Sharqqa ketdi bulutlar cho'milib yomg'irlarda,
Yer esa yetti rangli yoyini qo'lga oldi,
Chayqaldi, so'ng chayqaldik, qiz-da, men-da, qirlar-da!

BUVIMNING QO'LLARI

Buvim bilan ikkovlon
Do'stmiz, inoqmiz.
Ne ish boshlasak qachon,
Apoq-chapoqmiz.
Buvim bilan zerikmam
Birgamiz tongdan.
Buvimning qo'llarin ham
Sevaman jondan.
Bu qo'llar oltin qo'llar,
Jonli mo'jiza.
Menga tikadi to'nlar
Kiysam xo'p maza!
Goh gumma pishiradi,
Ziralar solib,
Goh darsga shoshiradi
Yoniga olib.
Goh uyoq, goh buyoqda
Bu chaqqon qo'llar
Artsa latta tayoqda —
Yarqirar pollar.
Qo'l soyasin tushirib
Shomda devorga,
Ertak aytar kuldirib
Tutar savolga.
So'ngra boshimni silar,
Shunaqa maza.
Bu qo'llar oltin qo'llar
Jonli mo'jiza.

SHER HAQIDA

Sherning go'zalligi olamga tatir,
Xo'mrayib, alp boshin osiltirgancha,
O'tirar katakda bamaylixotir,
Shohona terisin yiltirab,
Dumini silkitib goh uncha-muncha.

Qaniydi ohista borib yoniga,
Ko'zlarin kaftlarim bilan berkitsam.
Qafasdagi qushdek u ham joniga,
Erkinlik beray, deb ozodlik istab,
Qutulgisi kelib qaltirarmikan!

Men agar eshitsam o'kirganin sher,
Qaltirab ketaman — osmon bilan yer,
Zirillar-zirillar va o'sha asno,
Ko'zimga ko'rinar tap-taqir saho,
Qumli issiq shamol va balo-qazo.

Sher bog'da o'tirgani uchun qafasda
Men unga qarayman qo'rqmay havasda

SHOVQIN VA SUKUS

—Nega shovullaysan bu qadar, terak?
Muncha chayqalasan u yon bu yonga?
Aytaqolgin ochiq, senga ne kerak?
Shovqin solavermay hadeb o'rmonga?
—Ko'rsin deymen har kim baland qaddimni,
Eshitsin sasimni o'rmonu o'tov.
Hech kimsa qo'ymasin tildan otimni
Men shuhrat istayman, istayman maqtoy.
Nok daraxti esa ana turar tik
Yirik mevalari osilib, larzon.
Indamas, xayolchan, olim odamdek
Kamtar hosilini qilgancha ehson.
Nokning aytmaganin aytar boshqalar
Totib ko'rgach sersuv, shirin ehsonin.
Nok haqda bir zumda fikr tarqalar
Yuksaltib qo'yarlar daraxtning shonin.

Miraziz A'ZAM tarjimasi

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТЕСТ ЯКУНЛАРИ

Жиззах вилоятида 2 та олий ўқув юрти, 8 та ўрта махсус билим юрти ва 350 дан ортқ умумий таълим мактаблари мавжуд. Вилоят халқ таълимининг аҳолини абитуриентларнинг тест имтихонидаги жавоблар самарадорлиги яққол ифодалади. Вилоят абитуриентларининг имтихондаги жавоблар самарадорлиги 1998 йилда 37.7 фоиз бўлиб, 10 ўринга, 1999 йилда 34.42 фоиз бўлиб 11 ўринга ва 2000 йилда 32,11 фоиз бўлиб 11 ўринга мос келган. Бу кўрсаткичлар имтихонни ўзбек тилида топширган абитуриентлар сонига нисбатан олинган. Вилоят бўйича абитуриентларнинг умумий контингентига нисбатан жа-
DTM tahlili
радорлиги 33.29 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткич бироз юқорироқ бўлса ҳам, Республика бўйича 11 ўринга тўғри келган.

Вилоят абитуриентларининг тестлардаги жавоблар самарадорлиги 1999 йилга таққослаб ўрганилди. Самарадорлик 5 фан бўйича (ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, тарих) ўсган ва 4 фан бўйича (кимё, география, инглиз ва немис тиллари) пасайган. Вилоят бир неча йилдан бери Республикада 10-11 ўриндан юқорига кўтарилма олган. Вилоят халқ таълимига мўтасадди ходимлар бундай аҳволга эътибор ва диққат билан қарашлари керак.

Жиззах вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги (Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	1999		2000		Ўсган
	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин	
Ўзбек тили ва адабиёти	31.32	10	28.12	9	Ўсган
Математика	32.52	12	33.61	10	Ўсган
Физика	27.24	12	27.70	9	Ўсган
Биология	38.08	9	35.55	6	Ўсган
Кимё	34.98	11	31.79	12	Камайган
Тарих	38.73	8	32.67	7	Ўсган
География	44.61	7	39.42	12	Камайган
Инглиз тили	37.51	7	34.51	9	Камайган
Немис тили	29.77	6	29.05	7	Камайган
Француз тили	29.41	11	28.59	11	Ўзгармаган

Статистик ишланмалар асосида Жиззах вилоятининг шаҳар ва қишлоқларидан тест имтихони топширган абитуриентларнинг натижалари ҳисоблаб чиқилди. Уларни вилоят шаҳар ва қишлоқлари бўйича рейтинг кўрсаткичи куйидаги жадвалда берилган (ўзбек гуруҳлари):

1	Пахтакор шаҳри	35.46
2	Мирзачўл тумани	31.02
3	Бахмал тумани	30.88
4	Фориш тумани	30.10
5	Учтепа шаҳри	30.09
6	Жиззах шаҳри	29.98
7	Фаллаорол тумани	29.81
8	Зарбдор тумани	29.63
9	Пахтакор тумани	29.11
10	Зомин тумани	29.10
11	Жиззах тумани	29.09
12	Зафаробод тумани	28.88
13	Маржонбулоқ шаҳри	28.86
14	Арнасой тумани	28.84
15	Дўстлик тумани	28.02
16	Фаллаорол шаҳри	27.45

Жиззах вилоятининг тест имтихонида фанлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари Республиканинг энг илғор шаҳар ва туманлари кўрсаткичларига нисбатан 5-12 фоизгача паст. Демак, жуда кўп имконият фойдаланилмай қолган. Вилоятнинг бу соҳадаги аҳоли куйидаги жадвалда берилган (ўзбек гуруҳлари):

Жиззах вилояти кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Катн.	Самар.	Вилоят номи	Туман	Катн.	Самар.
Она тили ва адабиёти	Арнасой тумани	132	28.91	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз шаҳри	154	33.95
Математика	Зомин тумани	248	36.77	Бухоро вилояти	Галаосиё шаҳри	22	48.86
Физика	Бахмал тумани	160	31.28	Хоразм вилояти	Хазорасп тумани	70	40.20
Биология	Бахмал тумани	110	38.41	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	19	48.54

Химия	Бахмал тумани	92	35.93	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	21	48.15
Тарих	Зарбдор тумани	96	35.16	Сурхондарё вилояти	Денов шаҳри	20	43.19
География	Бахмал тумани	17	41.67	Бухоро вилояти	Жондор тумани	31	55.20
Инглиз тили	Жиззах шаҳри	272	42.18	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	40	53.75
Немис тили	Фориш тумани	37	43.32	Жиззах вилояти	Фориш тумани	37	43.32
Француз тили	Зафаробод тумани	17	33.33	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	34	48.69

Вилоятнинг тест имтихонида паст кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари ўрганилганда, Дўстлик тумани немис тилидан энг паст - 19.12 фоиз самарадорликка эришгани кўринади. Бошқа туманларнинг бу соҳадаги натижаси Республикадаги паст кўрсаткичли туманлардан бироз юқорироқ бўлса ҳам, бу соҳада хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки тестдаги натижани юқорироқ кўтаришга интилиш керак. Бунинг учун куйидаги жадвални таҳлил этиш керак:

Республика ва Жиззах вилоятида энг паст кўрсаткичга эга бўлган туман ва шаҳарлар (Ўзбек гуруҳлари)

Жиззах вилояти кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман номи	Катн.	Самар.	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Катн.	Самар.
Она тили ва адабиёти	Мирзачўл тумани	64	26.61	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	22	21.21
Математика	Пахтакор тумани	91	30.86	Навоий вилояти	Томди тумани	28	26.29
Физика	Жиззах тумани	254	25.46	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	35	21.27
Биология	Арнасой тумани	17	31.37	Навоий вилояти	Кочимех тумани	40	26.46
Химия	Дўстлик тумани	23	24.88	Сирдарё вилояти	Оқолтин тумани	31	21.86
Тарих	Мирзачўл тумани	24	29.75	Қорақалпоғистон Рес.	Тахياتош шаҳри	19	27.19
География	Фаллаорол тумани	32	36.46	Сурхондарё вилояти	Қизирик тумани	21	28.84
Инглиз тили	Арнасой тумани	47	27.25	Сирдарё вилояти	Ш.Рашидов тумани	37	22.82
Немис тили	Дўстлик тумани	17	19.12	Жиззах вилояти	Дўстлик тумани	17	19.12
Француз тили	Фаллаорол тумани	26	27.14	Сирдарё вилояти	Мирзаобод тумани	21	20.77

Жиззах вилоятида абитуриентларнинг, тўплаган баллари ҳисобланганда, тест топширигини 50% дан ортигини 1167 абитуриент еча олган. Фақат 0-30 фоизгача топшириқни бажара олган абитуриентлар сони 3054 тани ташкил этган.

Жиззах вилояти бўйича тест имтихонида фанлар бўйича юқори натижага эришган мактаблар ўрганилди. Фориш, Жиззах, Бахмал туманларининг мактаблари вилоят бўйича юқори кўрсаткичга эришганлар. Вилоят бўйича маълумот куйидаги жадвалда келтирилган (ўзбек гуруҳлари):

Фан	Туман номи	Мактаб №	Катн. сони	Самара дорлик
Она тили ва адабиёти	Жиззах тумани	8	5	41.11
Математика	Фориш тумани	79	4	63.89
Физика	Бахмал тумани	40	6	50.93
Биология	Жиззах шаҳри	22	8	47.92
Химия	Фориш тумани	78	15	46.48
Тарих	Фаллаорол тумани	2	9	50.31
География	Фориш тумани	16	4	45.14
Инглиз тили	Жиззах тумани	1	5	51.11
Немис тили	Фориш тумани	79	9	53.40
Француз тили	Бахмал тумани	34	4	35.42

Вилоят бўйича тест имтихонида паст натижа кўрсатган мактаблар ўрганилди. Тест имтихонида паст балл математика фанидан Жиззах шаҳридаги 12-мактаб, физика фанидан Зомин туманидаги 3-мактаб, тарих фанидан Дўстлик туманидаги 3-мактаб ўқувчиларига кўйилган. Вилоят бўйича маълумот куйидаги жадвалда келтирилган (ўзбек гуруҳлари):

Фан	Туман номи	Мактаб №	Катн. сони	Самара дорлик
Она тили ва адабиёти	Дўстлик тумани	5	5	18.33
Она тили ва адабиёти	Фаллаорол тумани	8	5	18.33
Математика	Жиззах шаҳри	12	5	15.56
Физика	Зомин тумани	3	4	15.28
Биология	Арнасой тумани	6	4	21.53
Биология	Зарбдор тумани	5	4	21.53
Кимё	Жиззах тумани	31	4	19.44
Тарих	Дўстлик тумани	3	4	15.97
География	Жиззах тумани	31	4	18.06
Инглиз тили	Фаллаорол тумани	62	6	17.13
Немис тили	Жиззах тумани	10	13	17.52
Француз тили	Бахмал тумани	38	4	22.92

Ўқувчилар билимини баҳолашда ҳолисоналикни таъминлаш ўқитувчини ўзига ва ўқувчига бўлган талабчанликка, ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини оширишга боғлиқ. Вилоят мактабларида бундай ўқитувчилар мавжудлигини абитуриентларнинг аттестатларидаги баллари билан қабул тестида олган балларининг мослигидан билса бўлади. Куйида аттестатдаги юқори баҳоларни тест имтихонида тўла тасдиқлаган абитуриентлар ҳақидаги маълумот келтирилган:

Тил	Ихт	Ўқув юрти	Туман	Мактаб	Атт.	Балл
1	21	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Бахмал тумани	1	4.3	216.3
2	29	Тошкент юридик институти	Дўстлик тумани	2	4.7	206.5
1	16	Ўзбекистон миллий университети	Жиззах тумани	22	4.9	203.8
2	22	Тошкент тиббиёт педиатрия институти	Мирзачўл тумани	1	5	189.1
1	29	Тошкент юридик институти	Жиззах тумани	36	4.6	188.5
2	37	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Жиззах тумани	1	4.9	182.9
1	25	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Жиззах тумани	22	4.8	180

Вилоятда шундай мактаблар борки, ўқувчилар билимига кўйилган баҳолар шу ўқувчиларнинг қабул тестида олган балларидан тубдан фарқ қилади. Бундай салбий ҳолат куйидаги жадвалда яққол кўринади:

Тил	Ихт	Ўқув юрти	Туман	Мактаб	Атт.	Балл
1	56	Жиззах политехника институти	Арнасой тумани	8	5	28.5
1	42	Жиззах политехника институти	Зарбдор тумани	2	5	27.3
1	41	Жиззах политехника институти	Фориш тумани	2	4.5	26.5
1	2	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах тумани	19	4.9	26.4
1	56	Жиззах политехника институти	Бахмал тумани	16	4.2	25.4
1	40	Жиззах политехника институти	Фаллаорол тумани	38	4.4	24.3
1	16	Ўзбекистон миллий университети	Пахтакор тумани	4	4.6	23.3

Таҳлилдан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти абитуриентларининг билим даражаси самарадорлигини оширишда вилоят халқ таълими бошқармаси ва унга қарашли таълим муассасалари ходимларининг олдида ечимини топмаган кўп масалалар мавжуд. Жумладан, ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий техник базасини талаб даражасига кўтариш, мактабларда, таълим ишининг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни ўқишга қизиқишини кучайтириш, битирувчи синфларда таълимий тестларни мунтазам ўтказиш каби кендикриб бўлмайдиган масалалар бор. Вилоят халқ таълими бошқармаси, педагоглар кўрсатилган муаммоларни ҳал этади, деб ишонамиз.

М.МУХИТДИНОВ,
Давлат Тест Маркази директори

Айни кунда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўМКХТ Марказида яхши бир анъана одат тусига айланиб бормоқда. Бу анъананинг асл моҳияти шундан иборатки, ушбу тизимда меҳнат қилаётган ўқитувчилар ва раҳбар кадрлар ҳар икки-уч ойда бир жойга йиғилишиб, ўзларининг меҳнат фаолиятида тўпланиб қолган муаммолар, эришилаётган ютуқлари хусусида атрофлича баҳслашиб олади-лар. Шунингдек, ана шундай учрашувлар жараёнида жойлардаги таълим муассасаларига ташриф буюришиб, соҳа ходимларига бу ерда кечаётган ислохотларни ўз кўзлари билан кўриб келиш имконияти яратилмоқда. Бундай ташрифлар давомида, албатта, янги академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқитувчилари, талаба-ёшлари билан очик мулоқотлар, баҳс-мунозаралар, бир-бирига амалий таклифлар бериш баробарида ўзаро тажриба алмашувлар бўлиб ўтади. Таъ-

лимдаги ислохотларни намойиш қилишнинг ана шундай усули орқали Марказ раҳбарияти тизимдаги ҳар бир ўқитувчини ижодкорликка, фаолликка чорламоқда. Шу тариха ўқитувчи маълум бир ҳудудда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан танишиб борар экан, ўз меҳнатига ҳолисона баҳо беришга, ўзи эришган ютуқларни бошқа касбдошининг тажрибаси билан таққослашга имкон топади. Бу эса ўқитувчилар орасида доимий ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига замин яратади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ташриф буюрилган ҳудуддаги диққатга сазовор жойлар, тарихий обидалар ва ёдгорликлар билан танишув жараёни ҳам ҳар бир ўқитувчининг педагогик фаолиятида жуда ҳам асқотаяпти. Одатда, бундай кўчма (сайёр) йиғилишлардан ўқитувчилар ўзларининг келгуси педагогик фаолиятида зурур бўлган материаллар билан қайтишади.

Boshqaruv kengashida

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бу гал ҳам айнан шундай бўлди. ўМКХТ Маркази бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилиши Самарқандда белгиланган, бу ерда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Аслида, вилоятда таълим тизимидаги ислохотлар бундан олдин ҳам изчиллик билан амалга оширилиб келинган ва бу жараён йил сайин такомиллашиб бораётди. Вилоят ўМКХТ бошқармасининг бошқалар ибрат олса арзигулик янгиликлари ҳам анчагина. Масалан, Самарқанд енгил саноат касб-хунар коллежида ташкил этилган кўргазмада бошқарманинг бугунги фаолияти ҳақида сўз юритувчи 6 та стэнд кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотди. Бошқарманинг Инновация ва илгор педагогик технологиялар бўлими яратган янгиликлар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар консорциумлари, вилоят "Баркамол авлод" жамияти, ушбу тизим раҳбар кадрларининг захира мактаби, аниқ фанлар бўйича вилоят фан уюшмалари фаолиятлари ҳамда бошқарма тасарруфидаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчилар учун ташкил этилаётган педагогик ўқишлар хусусида сўз юритувчи бу стэндлардан ҳар бир педагог ўзи учун муҳим амалий ёрдам олди десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, бу ерда компьютер ва янги информация технологияларни таълим жараёнига тadbик этиш борасида ҳам маълум миқдорда тажриба тўпланган. Бу борада бошқарма мутахассисларининг халқро "Интернет" тизимида ўзларининг махсус сайтини очиб, унда вилоят ўМКХТ бошқармаси фаолияти, янги турдаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари хусусида тўлиқ маълумотлар берганлиги диққатга сазовордир.

ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ КАЙ АХВОЛДА?

Кун тартибда биринчи масала, яъни республика академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказилаётган тажриба-синов ишларининг II босқич биринчи ярмида олиб борилаётган ишлар якуни ҳақида ўМКХТРИ мониторинг бўлими бошлиғи Тамара Довжанованинг маълумот беришича, ОУМТ вазирлигининг "Кадрлар тайёрлаш миллий

ИЖОДКОРЛИККА ЧОРЛОВЧИ ИЗЛАНИШЛАР



дастури»нинг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда ўМКХТ тизимида таълим мазмунини такомиллаштириш, махсус фанлардан Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тажриба-синовдан ўтказишни давом эттириш" тўғрисидаги буйруғини бажариш мақсадида жойларда қатор амалий семинарлар ўтказилган. Тажриба-синов ишларининг ярим йиллик якунларини таҳлил қилиш мақсадида ўМКХТРИ томонидан 200 та фандан тест саволлари тузилган. ўМКХТ Маркази ДТС бўлими ва ушбу институт ходимлари тажриба-синов ишларининг ярим йиллик натижаларини ўрганиб, тегишли маълумотлар тўплаган. Барча маълумотлар ва тест саволлари натижалари ўМКХТРИ мониторинг бўлимида таҳлилдан чиқарилиб, умумлаштирилган.

Мазкур тажриба-синов ишларининг II босқичи 2001 йил биринчи ярим йиллик якуний ҳулосаларини таҳлил қилишда қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Жумладан, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилоятларидан олинган маълумотномалар талабга жавоб бермайди. Бухоро вилоятидаги қурилиш, Бухоро енгил

А.Йўлдошевлар сўзга чиқишди.

— Биз бугун тажриба-синов ишларига масъулиятсизлик билан ёндашсак, олиб борилаётган ишлар ўз натижасини бермайди, — деди Марказ раҳбари Ж.Хусанов. — Бу йўналишда ишларни кўр-кўрона ташлаб қўймайлик. Зеро, эртага келажак авлод олдида жавоб берамиз. Шунинг учун тажриба-синов ишларида маълумот олишда диққатга сазовор жойларда жуда сушт ўтказилиши боис, уларда йиғилган 5-6 та таклиф ёки мулоҳаза билан ўқув дастури ва режаларига ўзгартиришлар киритиш анча мураккаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари каби тармоқ вазирликларига тегишли таълим муассасаларида тажриба-синов ишларига эътибор паст ахволда. Янги ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда тармоқ вазирликлари мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари жудаям зарур. Лекин, бу вазирликлар вакиллари янгидан жиҳозланаётган коллежларга жудаям кам ташриф буюришади. Жойлардан ушбу жараён бўйича аниқ таҳлилий таклифлар деярли йўқдир. Мазкур масала юзасидан Фарғона, Тошкент вилоятлари ўМКХТ бошқарма бошлиқлари И.Тўхтаёнов ва

ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИ НЕГА СУСАЙМОҚДА?

Кенгашда жойлардаги академик лицейлар қурилиши дирекциялари олиб бораётган ишлар хусусида маълумот олинди. Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳрида топширилган ҳамда Намангандаги академик лицейлар қурилишлари жараёни яхши кетаяпти. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида эса академик лицейлар қурилиши жуда сушт кетаяпти. Ҳамза туманидаги ҳамда Тошкент давлат темир йўл транспорти мухандислари институти қошидаги академик

лицейларда ахвол жудаям оғир. Сифат масаласига келсак, Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицей қурилишида бажарилаётган ишларнинг сифати паст. Фарғонада барпо этилаётган академик лицейда вазият яхши томонга силжияпти. Бухоро, Андижондаги объектларда ҳали ҳам камчиликлар бартараф этилмаган. Қарши, Наманган, Фарғонада қурувчиларнинг икки-уч сменада ишлаётгани қувонарли ҳолдир. Аммо Тошкентда эса ҳали-ҳануз 18.00 гача бир сменада иш ташкил қилинаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин!? Навоий, Бухоро, Қашқадарёдаги касб-хунар коллежлари қурилишида ҳозирги сифат бултурғига нисбатан анча сусайган. Гап янги қурилаётган объектлар хусусида кетаяпти. Бу фактлар жойлардаги ҳудудий бошқармаларнинг қурилиш масаласидаги фаолияти сусайиб кетаётганлигини аниқламоқда. Бошқарма бошлиқлари санитария тармоғи, коммуникация тизимлари ҳамда илм маскани биноларини қишки мавсумга шай қилиб қўйишда ўз ишларини жонлантиришлари лозимлиги ўқтирилди. Шу ўринда жойларда объектларнинг ўз вақтида топширилмаётганлиги хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги саккизта объектдан тўрттасида камчиликлар мавжудлиги, бу эса бўлажак мутахассисларни тайёрлашга жиҳдий путур етказётганлиги таъкидланди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда кенгашда давлатнинг миллионлаб маблағлари ушбу тизимдаги қурилиш ишларига сарфланаётганлиги, бугун ўМКХТ тизимидаги қурилишлар юртимизда энг намунали қурилишларга айланишига эришмоқ лозимлиги таъкидланди.

ТАҲЛИЛЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Ҳудудий ўМКХТ бошқармалари тасарруфидаги ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, тизимга янги педагогик технологияларнинг жорий қилиниши ҳолатини ўрганиш ва жойларда бу борада амалий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида ўМКХТ Маркази ахборот ва таҳлил, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари бошқармалари бош мутахассислари вилоятлардан соҳа ходимларини жалб этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида таҳлилий ишларни олиб боришиб, унинг натижалари мазкур кенгашда атрофлича муҳокама этилди.

Таҳлил натижаларига кўра, жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Аммо ўрганилган вилоятларда таълим-тарбия жараёнлари камчиликлардан ҳоли эмаслиги қайд қилинди. Бошқарув кенгашида айнан камчиликларнинг муҳокама қилиниши, бу борада бугунги натижаларни ўз вақтида бартараф этиш эртанги ютуқларимиз гарови бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилинди.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус муҳбири

Юртимизда кўплаб касб-хунар коллежлари, турли лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ўқув юртларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар маълум бир касбга йўналтирилганидан ташқари ўқувчини турли олий ўқув юртларида ўқишга ҳам тайёрлайди. Хўш, мақсади ва йўналиши аниқ бўлган масканларнинг талабалари қандай таълим олишмоқда? Уларнинг бир кунлик вақти қандай тақсимланган? Буни Тошкент педагогика касб-хунар коллежи талабаси мисолида кузатишга ҳаракат қилдик.

ТАНИШУВ

Маскан директори Озода Эшонхўжаева, ўринбосари Моҳинур Сулаймонова билан суҳбатлашиб бўлган, иқтидорли талабалар билан учрашиш учун уларнинг йиғилишида қатнашдим. Дастлаб танишганим Баҳодир Зиёвутдинов. "Тўғарақ раҳбари ихтисослиги" бўйича 1-курс талабаси. Яқинда у коллеж "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси этиб сайланган. Суҳбат давомида Фулом, Жаҳонгир ва Санжар каби курсдошлари билан ҳам танишдим.Аввалига болалар бир оз чўчишди. Лекин, бир оздан сўнг суҳбатимиз

ТЕНГДОШИМНИНГ БИР КҮНИ

самимий тус олиб, қизгин давом этди. Талаба Баҳодирнинг кунлик фаолиятини кузатишга қарор қилдим. Сабаби, унинг намуна бўладиган жиҳатлари кўп экан: ёшлар ҳаракати раиси, фаол, сезгир, ҳаракатчан. У ҳар кун тонг саҳардан Тошкент педагогика касб-хунар коллежига келади. Йўлда турли манзаралар, биров ишга, биров ўзи каби ўқишга ошиққан. Бугунги куннинг асосий мақсади, коллежга бориб дарс тинглаш. Коллежда ҳар кун 8⁰⁰ да йиғилиш бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳар бир гуруҳ етакчиси эртароқ келиб, ўз гуруҳини унга тайёрлаши керак. Эрталабки йиғилишда, асосан, шу кеча-кундуздаги сиёсий янгиликлар ҳақида ахборот берилади. Талабалар тартиб-интизом ҳақидаги панд-насихатлар ҳам қулоққа қўйилади. Амалга оширилаётган ишлар ҳисоботи тингланади.

Дарсга кўнгирок чалинди. Баҳодир билан дарсдаман, ёнма-ёнимиз. У дарсни жон қулоғи билан тингламоқда, Таъбир жоиз бўлса, бутун вужуди қулоққа айланган. Айрим талабалар ҳомуза тортиб, айримлари мудраброк

ўтирибди. 5-10 дақиқалик танаффусларда ҳам Баҳодирнинг тенгқурларидан фарқли фазилатларини илғайман. Суҳбат илм-фан мавзусида кўпроқ бўладиган бу йигит билан танишганимдан хурсанд эдим.

УЙДА

Ўқишдан келган Баҳодир биринчи навбатда уйдагилари билан сўрашиб, ювиниб-тараниб, овқатга ўтиради. Тамадди қилгач, у юмушларига қарашди. Телевизорни қўйиб қўйди. Мен ундан: "Телевизор сенга ҳалақит бермайdimи?" деб сўраганимда, у ёшлар ҳақидаги яхши кўрсатувларни ўтказиб юбормаслик мақсадида шундай қилишини айтди. "Дарс қилаётганимда-чи?" сўрайман яна. "Дарс вақтида унинг овозини пасайтириб қўяман, чунки кўрсатув кутиб турмайди, дарсни эса шундан сўнг бемалол давом эттиришим мумкин". Баҳодирдан бу жавобни эшитгач, мен унинг хулқ-атворида янгиликларга нисбатан эҳтиёжи ва зарурати кучли эканини сездим. Унинг уйдаги ҳаёти ҳам маъ-

Kuzatuv

лум қоидаларга асосланган экан. Шиори—вақтдан унумли фойдаланиш. Шундан сўнг мен унинг бўш вақтида нималар қилиши билан қизиқдим. Баҳодир очигини айтди: "Менда бўш вақт йўқ. Дам олиш кунлари эса кейинги ҳафтага тайёрланаман".

Шунда мен бугунги кундаги ёшларнинг илм-хунар ўрганишлари учун барча имкониятлар берилаётганини таъкидлаб, унинг бунга муносабатини сўрадим. Баҳодирнинг жавоби кутганимдек бўлди: "Ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш кабидир".

ХАЙРЛАШУВ

Бу талаба билан мен бир кунимни ўтказдим ва кетган вақтимга ачинмадим. Замон билан ҳамқадам кетаётган тенгқуримга ҳавас қилдим, қанийди, бошқа ёшлар ҳам у каби интилувчан, фидойи бўлса... Баҳодир билан хайрлашар эканман, унда ўқишга бўлган қизиқиш, танлаган касбига меҳр, қолаверса ўз мақсадига эришиш учун қурашаётган қуч-қувватли инсон қиёфасини кўрдим. Унинг онасига, барча устозларига раҳмат айтгим келди. Ха, у булар элнинг боласи. Баҳодир каби ёшларнинг келажаги порлоқ.

Фарҳод ЭРДОШЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ИНГЛИЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ

АСОСИЙ КУРС

УЧИНЧИ ДАРС

About myself

Ўзим ҳақимда

Let me introduce myself to you. My first name is Olim. My surname is Aliev. My patronymic is Ganievich. My full name is Aliev Olim Ganievich. I am 20 years old. I am uzbek. I am from Uzbekistan. It is my Motherland. I was born on the twenty fifth of March in 1981. I am not married yet. I am single. I am a student. I study at the Tashkent Medical Institute. I am a third-year student. My dream is to become a skilled doctor. I like to study at the Institute so I work hard at all subjects. I do well in all subjects. I often to go the library of the Institute and work there. I also go in for sports such as lawn tennis. I am sure that «A sound mind is in a sound body».

Dialogue

- Hello! Let me introduce myself to you. I am Azim.
- Hello! I am pleased to meet you. My name is Akbar.
- So am I. Are you a student at the Uzbekistan World Languages University?
- Yes I am. I am a second-year student here.
- Oh, you are lucky. My dream is to enter your University.
- I hope that your dream will come true.
- I hope too.

Диалог-суҳбатда ишлатилган сўзлар

- To be pleased - хурсанд бўлмоқ
- The Uzbekistan World Languages University - Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети
- A second-year student - иккинчи курс талабаси
- to be lucky - омади келмоқ, бахти чопмоқ
- to enter the University - Университетга кирмоқ
- dream - орзу
- to hope - умид қилмоқ
- to come true - амалга ошмоқ, рўйбга чиқмоқ

5-мавзу. ЗИЛЗИЛА 3-дарс

Зилзила содир бўлгунга қадар, зилзила вақтида ва зилзила содир бўлгандан сўнг одамлар ҳаракати қандай бўлиши лозим?

Бу босқичларнинг ҳар бирида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги тўғрисида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Зилзила содир бўлгунга қадар нима қилмоқ керак?

"Зилзила эмас, бино ва ундаги предметлар кишилар ўлимига сабабчи бўлади", дейди мутахассислар. Ҳақиқатда, саросимага ва ваҳимага берилган кишилар, қалтис ҳаракат қилишлари оқибатида кўшимча нохушликлар пайдо бўлади. Одамлар ўзлари яшаётган уйлари ва ҳайвонларнинг қайси жойлари хавфсиз бўлишини ёшиқлариданоқ билиб олсалар, фавқуллода вазиятларнинг талаби — ваҳимага берилмасдан тўсиқларини енгиб ўта оладилар.

Уйдаги газ, сув, электр тармоқларини хавфсизлантирадиган жойларни билиш, уй тиббий кутиси, унда биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар, нохуш вазият юзага келганда биринчи хизмат кўрсатиш ташиқлотларининг телефон рақамлари мавжуд бўлиши, уй жиҳозларидан китоб жавонлари, осма асбобларнинг маҳкамлигини назорат қилиш каби кўрсатмалардан ҳар бир киши хабардор бўлиши шарт.

Турли хавфга тайёргарлик чораларини кўриш унинг ол-

дини олиш ёки келтирилган зарарини бир неча бор камайтиришга олиб келади.

Зилзила содир бўлганда гўё биз турган замин худди "бешик" каби тебрангандек бўлади. Тебраниш бир неча сониялар, кучли зилзила бўлса, бир неча дақиқалар давом этиши мумкин. Тебранишдан сиз кўрқиб кетасиз, аммо кутиб туришдан бошқа чорангиз йўқ. Сиз осойишта ва ақл-заковат билан иш кўрсангиз, хавфсизлик даражанингизни анча юқори кўтарган бўласиз. Айниқса, бу осойишталик орқали атрофингиздагиларга намуна кўрсатасиз ва улар ҳам сиз каби саросимага берилмай-

дилар.

Тебранишни сезган вақтингизда секин-аста хавфсиз жойга ҳаракат қилишингиз лозим, асосий хавф бинодаги осма анжомлардандир.

Авалло, тинчланинг, ҳеч қандай қалтис ҳаракат қилманг, бақирманг ва атрофдагиларни койиманг. Бино ичида биринчи қаватда бўлсангиз, 10-15 сония вақт у ерни тарк этиш учун етарли бўлади. Бошқа қаватларда бўлсангиз, хавфсиз жойлардан: эшик ораллиқлари, девор бурчаклари, сейсмик белбоғ остларидан бирортасини эгалланг, бошқаларни ҳам шундай қилишга чақиринг. Дераза ва

Мана, талабалик олтин даври ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Ҳаяжон ила орқага назар ташлар эканмиз, бир умр эсда қоладиган бу дамлар бошқа қайтиб келмаслигидан афсусланамиз. Бу даврда мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, бир сўз билан айтганда, мустақил ҳаётга куни-ма ҳосил бўлиб, қуп керакли сабоқларни устозларимиздан ургандик. Энди мана шу билим ва куниқмаларимизни ҳаётга қўллашга фурсат етиб келди. Шу давр мобайнида жуда қўнғиб кизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар бўлиб ўтдики, бу дамлар биз ёшлар қалбидан мустақам урин олди. Мана шундай эсда қоладиган дамлардан бири кўна ва доимо навқирон Самарқанд сафари бўлди.

БЕБАҲО МЕРОС

Бу саёҳатдан мақсадимиз қадимий, халқимиз ифтихори ва дунёга машҳур бўлган Самарқандни, у ердаги ажодларимиз яратган гузал иншоотларни томоша қилиш, дунёга буюк алломаларни етиштириб берган бу дёрни зиёрат қилиш эди.

Саёҳатимиз Улугбек расадхонасидан бошланди. Улугбек дунёда йирки давлат арбоби ва буюк олим сифатида етти иқлимга маълум ва машҳур. У тарихда улуг астроном олим ва истеъдодли математик сифатида бутун жаҳонга донг таратган. Самарқанд куркига-қурқ қўшиб турган "Шоҳи Зинда" мажмуаси, "Ғури Амр" мақбараси, тенги йўқ Регистон майдонларини кураб эканмиз, ажодларимиз томонидан яратилган бебаҳо мерос билан фахрландик. Ана шундай гузал юртининг, маънавияти юксак диёрнинг фуқароси булганинг, шу улқада яшаётганингдан фахрланасан киши. Бу фахр туйғуси қалб қуридан қалқиб чиқиб ушун Самарқанд, Андижон, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби тарихий шаҳарларимизга бориш, уларни зиёрат қилиш, ажодларимиз яратган бебаҳо қадриятлардан баҳраманд бўлиш кифоя.

**Зоҳид ЎРИНБОВ,
Фуркат ЖҰРАКУЛОВ,
ЎЗМУ талабалари**

чайқалувчи оғир буюмлардан узоқроқда турунг.

Ҳеч вақт юқори қаватдаги бинодан чиқиб кетишни ўйламанг. Аксинча, тебраниш ўтиб кетгунча бино ичидан паноҳ қидиринг. Керак бўлганда тебраниш тугагандан сўнг бинони тарк этинг. Кўп қаватли уйда турсангиз, лифтидан фойдаланманг. Зинапоядан фойдаланишда кўпол ҳаракат қилманг, бошқаларни ҳам тинчлантиринг.

Сейсмик бардоши кам бўлган, гиштли ва хавфли биноларда бўлсангиз, албатта, ташқарига зудлик билан чиқинг. Бунда электр тармоқлари, буюмлар ҳаракатидан огоҳ бўлинг.

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Очиқ жойда бўлсангиз, ағдарилиши мумкин бўлган биноларга, электр тармоқларига яқин турманг. Транспортда бўлсангиз, очиқ жойда тўхтатинг, тебраниш ўтиб кетгунча кутинг. Метрода кетаётган бўлсангиз, саросимага тушманг. Ер остида бўлган чоғингизда ер устига нисбатан хавфсизроқ бўласиз. Чироқ ўчиб қолишига тайёр турунг. Туннел орқали эвакуация қилинадиган бўлса, машинистнинг кўрсатмаларига амал қилинг.

Тебраниш қайтарилгудек бўлса, ҳайрон бўлманг. Одатда, биринчи зарбадан сўнг қайта зарбалар бўлиши мумкин. Улар афтершоқ деб аталади.

"ТЕХНО-АХБОРОТ XXI" СЕМИНАРИ НАМАНГАНДА ЎТДИ

Ўқувчи-ёшлар орасида техник ижодкорликни ривожлантириш, техник ижодиёт марказлари ходимларининг ихтирочилик ишларини жадаллаштириш каби бир қанча мақсад ва муддаоларни ўз ичига қамраб олган семинар-кенгаш Наманган шаҳрида бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси, Давлат патент идораси, патент ахбороти тахлилий маркази, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамкорлиқда ўтказди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятларидан вакиллар иштирок этишди. Меҳмонлар

дастлаб вилоятда ташкил этилган "Соғлом авлод Маркази" фаолияти билан танишдилар. Шундан сўнг Республика ўқитувчилари анжумани олтидан техник ижодкорлик маркази ходимлари қилиши лозим бўлган масалалар бўйича фикр алмашдилар. Шунингдек, тўғрақлар фаолиятини ривожлантириш, ҳужжатлар, ахборотлар, технологияларни узатиш йўллари ишлаб чиқиш, "Агроистеъдод" мактабини ташкил қилиш, спорт-техник йўналишидаги спартакиадани юқори савияда ўтказиш келишиб олинди.

Семинар-кенгаш савол-жавоб тарзида ўтди, мулоқозда ҳамда тақлифлар очик-ойдин билдирилди.

МУХБИРИМИЗ

Самарқанд шаҳри Боғишамол туманидаги 6-сон болалар санъат мактаби ташкил топганига 40 йил тўлди. Ушбу даргоҳга Даврон Оллобердиев раҳбарлик қилади. Бугунги кунда бу мактабда ўзбек чолғу асбоблари, фортепиано, рус халқ чолғу асбоблари, торли мусиқа асбоблари, тасвирий санъат бўлимлари мавжуд.

— Самарқандда дастлаб битта мусиқа мактаби бор эди, — дея гап бошлади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқ таълими аълочиси, шу мактабни очишга ўз ҳиссасини қўшган ташкилотчилардан бири Умар Хурсандов. — Уша вақтда асосий мақсад мусиқа таълимини кенгайтириш эди. 6-сонли мусиқа мактабини очишга муваффақ бўлдик. Даврон мусиқа билим юртини тугатаётган пайтда унга диплом билан биргаликда 6-сонли мусиқа

МАКТАБНИНГ ТҰЙИ

мактабига директор этиб тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқни ҳам қўшиб берганмиз. Даврон меҳнатсевар, истеъдодли, ишбилармон бўлганлиги учун биз унга ишондик. У ишончимизни оқлади. Уч нафар ўқитувчи билан иш бошлаган даргоҳнинг бугунги кунда ўттиздан ошиқ ўқитувчи ва 300 дан зиёд ўқувчиси бор.

Уша куни ушбу тўйга Самарқанд вилоят ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Фармонбой Розиков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, 1-сон болалар санъат мактаби директори С.Усмонов, шаҳар маданият ишлари бўлими бошлиғи М.Исмоилова, Кимёгарлар шахарчаси фуқаролар йиғини раиси Э.Қурбонов, Кимё заводининг директори А.Гусановлар ташриф буюришиб, даргоҳга ўзларининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқларини топширишди.

Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ

O'zimizni o'zimiz asraylik

Улар ҳатто бир неча кунларгача давом этади. Айрим ҳолларда қайта тебранишлар ҳам бино ва иншоотларга катта зарар етказди.

Агар сиз бинонинг кулаб тушган жойида қолиб кетсангиз, ҳеч ҳам ваҳимага тушманг. Сувсиз ва овқатсиз сиз анча узоқ муддат чидай олишингиз мумкин. Бироқ, энг муҳими, руҳингизни туширманг.

Ўзингизнинг қаерда эканлигингизни аниқлашга ҳаракат қилинг. Яқин атрофингизда чиқиш йўли ёки бошқа одамлар борми, йўқми, қулоқ тутинг ва

шикастланиш юзага келиши натижасида инсонлар ҳам жиддий зарар кўради. Энг муҳими, осойишталикни сақлаган ҳолда, аввало, шикастланганларга ёрдам бериш лозим. Сўнгра ёнгин ва бошқа нохушлик пайдо бўлган бўлса, тегишли жойларга хабар бериш керак.

Биринчи ёрдам зарур бўлса, ташкил этинг. Тиббий ёрдамга муҳтожларни аниқланг. Ёнгин хавфи бор жойларни бартараф этинг. Сув, газ, электр тармоқларида шикастланиш бор-йўқлигини аниқланг. Зинҳор шам ва гугуртдан фойдаланманг. Электр тармоғини асосий таянч нуқтадан узинг. Электр тармоқларига яқин юрманг, уларни ушлаб ҳам текширманг. Сизнинг ёрдамнинг зарур бўлмаган жойларга борманг. Канализация тармоқларини кўздан кечирмагунингизча, ундан фойдаланманг. Шикастланган бинода эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда ҳаракат қилинг. Безовта бўлган ёш болаларни тинчлантиринг. Аввало, оила аъзоларингиздан, кўни-кўшинидан, сўнгра мактаб, боғча ва бошқа муассасалардан хабар олинг. Кутқарув ишларида қатнашаётган ички ишлар, тиббиёт ва бошқа соҳа ходимларига қўлингиздан келганича ёрдам қилинг.

**А.НУРХҰЖАЕВ, Фуқаро муҳофазаси институти бошлиқ муовини
З.ИЛЁСОВА, ўқитувчи**

ТЕРРОР ҲУРУЖИ БЎЛИШИ МУМКИН

Америка Қўшма Штатлари Яқин Шарқ можаросини ҳал этишда фаолроқ бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу масала бўйича Яқин Шарққа ташриф буюрган Марказий Разведка Бошқармаси бошлиғи Жорж Тенет Ариэл Шарон ва Ёсир Арофатлар билан музокаралар олиб борди.

Кеча эса Исроил махсус хизмати мамлакат шаҳарларидан бирида террорчилик ҳуружига тайёргарлик кўриляётганлиги ҳақида маълумот олди. Ҳозирда барча полиция ходимлари юқори тайёргарлик ҳолатига келтирилган. Кўплаб шаҳарларда блокпостлар ўрнатилиб, кишиларнинг ҳужжатлари текширилмоқда.

РИМ ПАПАСИНИНГ
ТАШРИФИ

Рим папаси Иоан Павел II нинг 23-27 июнь кунлари Украинага ташрифини дунёнинг турли давлатларидаги унинг зиёратчилари сабрсизлик билан кутмоқдалар. Украина божхона кўмитасининг гарбий бўлими матбуот котиби Сергей Гунько папанинг ташрифи чоғида мамлакат чегаралари ёпиб қўйилиши тўғрисида тарқалган миш-мишларни асоссиз, деб айтди. Унинг фикрича, гарчи зиёратчиларнинг катта оқими кириб келиши кутиляётган бўлса-да, улар учун ҳеч қандай таъқиқ йўқ. Аксинча, божхона кўригидан ўтиш ишлари имкон қадар осонлаштирилади. Тахминларга кўра, ўша пайтда Иоан Павел II ни кўриш учун миллионга яқин хорижликлар келиши кутилмоқда.

ЖИНОЯТЧИ
ҚИДИРИЛМОҚДА

“Новости” ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Македония президенти Борис Трайковски мажлис ўтказаятган бино номаълум шахс томонидан ўққа тўтилган. Расмий хабарларга қараганда, жабрланганлар йўқ. Ҳозирда ҳукумат полицияси Скопье шаҳрида жиноятчини ушлаш бўйича кенг қамровли қидирув ишларини олиб бормоқдалар.

Куни кеча эса Тетеве яқинида Македония армияси ва албан жангарилари ўртасида юзага келган тўқнашув туфайли уч нафар ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмган эди. Айни пайтда ҳарбийлар жангариларни тугатиш учун вазиятни имкон қадар қаттиқ ушлашга ҳаракат қилмоқдалар.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР
ЎТКАЗИЛАДИ

Грузия мудофаа вазир Давид Тевзадзе Брюсселдаги НАТОнинг бош қароргоҳида Евроатлантика кенгаши давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида қатнашди. У ўз нутқида ҳозирда мамлакат Куролли кучларида ислохотлар ўтказилаётганлиги, ҳамда НАТО ва Грузия муносабатлари хусусида тўхталди. Шунингдек, Тевзадзе 11-23 июн кунлари Потти туманида Шимолий атлантика блоқи раҳбарлигида ўтказиладиган кўп миллатли ишларидаги ҳарбий ўқув машқлари учун кўриляётган тайёргарликлар ҳақида ҳам баёнот берди.

Америкалик физик-олим ва иқтидорли муҳандис-электрик Жон Бардин ўзи яратган кашфиётлари ҳамда илмий ғоялари билан жаҳон илмий тараққиётида ўчмас из қолдирган инсондир. Бугунги мақола-мизда яна бир қўш Нобел мукофоти соҳибининг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида сизларни таништириб ўтишни лозим деб топдик.

Ж.Бардин 1908 йили 23 май куни Висконсин штатидаги Мэдисон шаҳрида дунёга келди. Мактабни тамомлагач, шу шаҳардаги университетда таҳсил олди ва 1928 йили электротехника бўйича бакалаврлик дипломига эга бўлди.

Ўз билим ва савиясини янада чуқурлаштиришга астойдил киришган Ж.Бардин 1933 йили Принстон университетида ўқишни давом эттирди ва шу университет профессори, таниқли олим Эуген Вигнер раҳбарлигида физика ва математика фанларининг сўнгги ютуқлари билан таниша бошлади. У ўз эътиборини кўпроқ қаттиқ жисмлар физикасига квант назариясининг тадқиқ қилиниши билан боғлиқ муаммоларга қарата бошлади.

1936 йили Принстонда металлларда электронларни боғлаб (тутиб) турувчи кучларни ўрганишга бағишланган илмий ишлари учун докторлик илмий даражасини қўлга киритди. 1936-38 йиллари махсус тақлиф билан Гарвард университетида Жон Ван Флек ва Перси Бриджменлар қаторида атом боғланишлари ҳамда металлларда электр ўтказувчанликни тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган илмий изланишларда қатнашди. У ердаги шартнома муддати тугагач, Бардин Миннесота университетида ассистент-профессор лавозимида ишлаш билан металлларда электронларнинг табиатини ўрганиш бўйича ўз илмий тадқиқотларини давом эттирди.

1945 йилдан бошлаб Ж.Бардин жаҳонга машҳур бўлган “Белл” телефон-компаниясига ишга ўтади ва у ерда Уильям Шокли ҳамда Уолтер Браттейн каби атоқли физиклар билан бирга замонавий электрон асбоблар яшаш муаммоларига астойдил киришади.

Кўп ўтмай у электр сигналларини кучайтирувчи ва тўғриловчи яримўтказгичли асбобларни яратишга муваффақ бўлди. Яримўтказгичли моддаларнинг асосийлари германий ва кремний бўлиб, улар асосида турлича яримўтказгичли асбоблар яратилди.

Шу жойда яримўтказгичларга қисқача таъриф бериб кетсак.

Яримўтказгичлар-электр ўтказувчанлиги металлларникидан кичик, диэлектрикларникидан катта бўлган моддалардир. Улар ташқи таъсирларга (нурланиш, қиздириш, босим ва ҳоказо) жуда сезгир ҳисобланади.

КОНХЎР ДАРЁ

Ёкутистон ички ишлар вазирлиги ўтган май ойида Лена дарёсидаги сувнинг ўзанидан тошиб кетиши ҳамда шу атрофдаги ҳудудларда яшовчи аҳолига катта миқдорда зарар келтиргани билан боғлиқ рўйхатни эълон қилди. Унга кўра табиий офат туфайли олти нафар Ленск шаҳрилик ва бир Томпонск туманилик фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Вазирликнинг билдиришича, бу инсонларнинг барчаси аҳолини тезлик билан хавфсиз жойга кўчирилиши тўғрисидаги ҳукумат талабига амал қилмаганлар.

Айни пайтда яна уч нафар ленсклик киши дом-дараксиз йўқолганлар рўйхатига киритилишлари мумкин, дея хабар берди “Эхо Москвы” радиоси.



ЯНА ҚОТИЛЛИК ЮЗ БЕРДИ

“Интерфакс” агентлигининг хабар беришича, чечен жангарилари Гехи-Чу қишлоқ маъмурияти раҳбари Идрисовни ўлдириб кетишган. Марҳумнинг жасади Мартановск туманидаги Гехи Урус аҳоли пунктида ёқиб юборилган автомашина ёнидан топилди. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг бошидан буён Чеченистондаги 17 нафар давлат хизматчисининг ҳаёти шу хилдаги ўлим билан яқун топган. Айни пайтда Россия федерал кучлари минтақадаги жангариларни тугатиш операцияларини амалга оширмоқдалар.

Nobel mukofoti sohiblari

Металллардан асосий фарқи шундаки, уларнинг электр ўтказувчанлиги температура ортиши билан орта боради ва солиштирма қаршилигини кенг диапазонда ўзгартириш имконияти бор. Ток ташувчи заррачалар электронлар ва коваллардан иборат бўлиб, уларнинг заряд ишоралари турлича бўлгани учун яримўтказгичга ташқи майдон қўйилганда қарама қарши томонга қараб ҳаракат қилади. Демак, яримўтказгичларда тўла ток электронлар ҳамда коваллар ҳосил қилган тоқларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

Шу давр мобайнида яримўтказгичли моддалар асосида электр тоқини кучайтириб берувчи асбоблар яшаш учун бир қанча уринишлар бўлди. Жумладан, У.Шокли ҳам бу соҳада кўплаб тажрибалар ўтказди, лекин кўзланган мақсадга эришиш қийин бўлди. Бу ишларни муваффақиятли амалга оширишда Ж.Бардиннинг тақлиф қилган илмий мулоҳазалари ва олган натижалари жуда қўл келди. У яримўтказгичли модданинг юза қисмига ало-

ишлатила бошлангандан сўнг, транзисторларга бўлган қизиқиш ортиб кетди.

Тузилиши жиҳатдан жуда содда ва ихчамлиги, кам энергия талаблиги ҳамда нархининг арзонлиги билан транзисторлар деярли ҳамма соҳада радиолампараларни сиқиб чиқара бошлади. Ҳозирги кунда кремний элементининг кичик бир бўлагидан 10 тадан бир миллионгача транзисторлар яшаш амалга оширилмоқда. Бундай ҳолатда ҳар бир транзисторнинг ўлчами ярим микрондан бир неча микронгача (1 микрон = 0,001 мм) етиб боради.

Шу каби транзисторлар ёрдамида замонавий компьютерлар, алоқа ва бошқарув воситалари ҳамда кўплаб янги қурилмалар яратилмоқда.

Физика соҳасидаги оламшумул ихтиролари учун Ж.Бардин ўз ҳамкасблари У. Шокли ва У. Браттейнлар билан бирга 1956 йилги Нобел мукофотига сазовор бўлди.

1957 йилдан бошлаб Ж.Бардин

ронларнинг иссиқлик ҳаракати секинлашади, бу эса модданинг электр қаршилиги камайишига олиб келади.

Абсолют нолда эса иссиқлик ҳаракатлари умуман бўлмади ва бу ҳолда электр қаршилигининг бутунлай йўқолиши кутилади. Бироқ абсолют нол температурага эришишнинг иложи йўқ. Лекин шуниси қизиқки, ўтаўтказувчанлик ҳодисаси, абсолют нолдан сал юқорироқ температураларда яъни ҳали иссиқлик ҳаракатлари тўла тўхтамасдан юз бермоқда эди. Ўша пайтда бу масала физиклар олдига янги муаммоларни қўйди.

Бу муаммо устида астойдил шуғулланганлардан бири Ж.Бардин эди. У ўз шогирдлари Леон Купер ва Жон Роберт Шрифферлар билан ўтаўтказувчанлик билан боғлиқ бўлган бир қанча илмий-назариялар яратди. Улар ўз назарий ғоялари билан кристал панжара оралаб бораётган манфий зарядли заррачаларга яқин жойдаги мусбат зарядли атомлар таъсир қилиши ва бунинг таъсирида панжаранинг шу қисмида бироз деформация юз беришини кўрсатиб бердилар. Бу эса ўша жойда қисқа муддатда мусбат зарядлар концентрациясининг кўпайишига олиб келади. ҳосил бўлган мусбат зарядлар концентрацияси эса иккинчи бир электронни ҳам ўзи тортади ва шу йўсинда кристалл панжара сиқилиши билан боғлиқ электрон жуфтлиги ҳосил бўлади. Шу йўл билан металллардаги кўплаб электронлар жуфтликларга (Купер жуфтлиги) бирлашадилар.

Ҳудди шу электрон жуфтликлари паст температураларда умумий электрон оқимининг иссиқлик ҳаракатисиз модда ичида ўтиб боришига сабабчи бўлади. Уларнинг бу назарияси “БКШ- назарияси” номи билан яхши таниш бўлиб қолди ва ўтаўтказувчанлик ҳодисасини тушунтириб беришда ўта қимматли исбот сифатида тан олинди.

1972 йили Ж.Бардин, А. Купер ва Ж.Р. Шрифферлар Нобел кўмитасининг қарорига мувофиқ, физика соҳасидаги юксак мукофотга лойиқ деб топилдилар. Шу билан Ж.Бардин Нобел мукофотига иккинчи бор сазовор бўлди.

Кўш мукофот соҳибни Ж.Бардиннинг оиласида икки ўғил ва бир қиз туғилган.

У умрининг охиригача қаттиқ жисмлар физикаси соҳасидаги илмий тадқиқотларини давом эттирди. Хўш Нобел мукофотидан ташқари кўплаб илмий соҳадаги медал ва мукофотлар соҳибни бўлган Ж.Бардин 1991 йили 30 январ куни 83 ёшида вафот этди.

Абдумажит Тўраев,
Физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон Физика жамияти ҳайъати аъзоси.

БУШ 10000 ТА МАКТУБ
ОЛДИ

Кубалик пионерлар овозлиқ учун курашган миллий қаҳрамонлари **Хосе Марти** ҳаёти ҳақида батафсилроқ тушунтириб беришини сўраб, АҚШ президенти **Ўн мингта мактуб йўллади**. Бундай ғоя Квебекда бўлиб ўтган Америка давлатлари саммитидан сўнг пайдо бўлди. **Боиси, ўша вақтда Жорж Буш Марти ҳақида нотўғри фикр билдирган эди. Унинг бу хатосини сезган Фидел Кастро ўқувчилар томонидан хат юбориш ташаббусини кўтариб чиқди ва амалга оширди.**

10 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ
АЛОҚА

Иордания вазирлар маҳкамасининг маълум қилишича, “Royal Jordanian” авиакомпанияси Ироқ давлати билан доимий равишда йўловчилар ташиш ва транспорт хаво алоқаларини йўлга қўйди. Энди ҳафтанинг сешанба ҳамда жума кунлари **Оммон-Богдод** йўналиши бўйича самолётлар қатнай бошлайди. Журналистлар ушбу икки давлатнинг доимий алоқани йўлга қўйишларини БМТнинг Ироққа нисбатан жазо чораларини жорий этганидан қарийб ўн йил ўтгач қайта тикланди, дея баҳоламоқдалар.

10 КУНДА 15 ТА АСАР

латлари киножодкорлари, хусусан, фестивалда намоёиш этилган фильмлар яратувчилари ҳам қатнашдилар.

Германиялик киножодкор, "Тувалу" фильмининг режиссёри Файт Хелмер, швейцариялик режиссёр Ромед Видер, кино ишлаб чиқариш тармоғи ходими Мария Вацлавик, польшалик актриса Катаржина Фигура ва ёш италиялик актёр Никола Руссо иштирок этдилар. "Тувалу" фильмининг режиссёри Файт Хелмер давра суҳбатида Германия киносидоги ижодий жараёнлар, фестивалда намоёиш этилган "Тувалу" фильми ва ижоди борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу фильм яна шуниси билан ажра-

либ турадики, унда 7 та давлатдан актёрлар иштирок этишган. Фильм лавҳалари Болгарияда олинган. Франция, Руминия, Россия, Америка, Италия сингари давлатлар актёрлари ўз ролларини маҳорат билан ижро этишган.

Европа киноси фестивали доирасида ўтказилган давра суҳбатида ташриф буюрган барча меҳмонлар кино, санъат, халқлар ўртасидаги дўстлик ҳақида кўп ва хўп фикрлар билдиришди. Ушбу фестивал аёнанавий бўлиб қолишига ишонамиз. Ва ўзбек томошабинлари жаҳон кинематографиясининг энг сара кино асарларидан мана шундай фестиваллар орқали баҳраманд бўлишади.

МУХБИРИМИЗ



МАҲАММАДХОН
ҲАМОН
КУЛДИРАДИ

кўпгина спектаклдаги юмор роллари томошабинларнинг юрак қарига чақиб борди. Айниқса, "Нурхон" (1975 йилда Ҳайдар ролини уйнагани томошабин кўз унгида ҳозиргача яққол гавдаланиб турибди. Бу инсон ҳақида гапирадиган бўлсак, гап жуда кўп. Яхшиси Абдуҳолик ака Мамарасулов билан бўлган суҳбатимизни газетамизнинг келгуси сонларидаги "Меҳмонхона" саҳифасида тўлиқ танишишингиз мумкин.


Шерзод АХМАТОВ

Ўзининг кўпгина комик роллари билан халқ орасида шуҳрат қозониб, ўз мухлисларини хушнуд этиб келаётган санъат устаси Абдуҳолик Мамарасуловнинг бугунги кунда қайси ижодий йўналиш билан машғул эканлигига қизиқдик. Абдуҳолик ака ҳозир-

да телевизион мини-атюралар театрида фаолият олиб бормоқда. У кишининг айтишича, "Кулги дардга дармон экан", яъни кулги киноялар билан жуда кўп нарсани ўзгартириб юбориш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам билса ҳазил, билмаса чин қилиб, халқни хушнуд этаётган миниатюра жанри — кулги ҳақиқат эканлигини тушуниб етишимиз керак.

Абдуҳолик ака 26 йил Муқимий театрида катта-кичик ролларни ижро этиб, ўз мухлисларини хушнуд этиб келди. У кишининг



1996 йил 1 сентябрда юртимиз мустақиллигининг 5 йиллигига Тошкентда Президентимиз И.Каримов ХОК расиси Х.А.Самаранчи қабул қилди. Ўша пайтда янги Олимпия Шон-шуҳрати Музейини тантанали равишда очдилар. Музей бундан аввал республика Байналминал маркази бўлиб, 7 ой давомида қайта таъмирланди. Ҳозирда бундай музей фақатгина Швейцария ва Канада давлатларида мавжуд, холос. Х.А.Самаранч сўзи билан айтганда, музей Лозанна Олимпия музейидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган масканнинг бир томонидан катта анҳор оқиб ўтган. Чор атрофи эса баланд-баланд чинору дарахтлар, мажнун-толлар билан ўралган бўлиб, кишига баҳорий кайфият бахш этади.

Музей 3 қаватдан иборат бўлиб, энг пастки қисми 80 ўринга мўлжалланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, учрашувлар ўтказиладиган катта залдан иборат. 1 ва 2-қаватлар эса турли хил ноёб, қимматбаҳо экспонатлар билан бойитилган. Президентимиз И.Каримовга топши-

ДОВРУҒИНГ
ДУНЁГА
ТАРАЛСИН

рилган Олимпия олтин нишони ва Осие Олимпия Кенгаши нишони, шунингдек, турли хил бошқа мукофотлар, совринлар, медаллар, фристайл бўйича жаҳон чемпиони Л.Черезованин шахсий спорт жиҳозлари, ХОК Президенти Х.А.Самаранчининг музей очилишида топширган эсдалик совғалари, рангбаранг нишонлар, диққатга сазовордир.

Олимпия Шон-шуҳрати музейи фақатгина ўз фаолияти билан шуғулланибгина қолмай, балки Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон олимпия кўмитаси билан яқиндан муваффақиятли алоқаларни ўрнатиб бормоқда. Натижада музейда турли матбуот конференциялари, анжуманлар ўтказиш, спортчиларни мусобақаларга кузатиб кўйиш, ҳар хил турнирлар ва мусобақаларда голибликни кўлга киритган спортчилар билан учрашувлар уюштириш аёнага айланган.

Музей замонавий видеотехникалар билан таъминланган бўлиб, Тошкентда бўладиган турли хил мусобақаларни, шунингдек катта залда матбуот анжуманлари, кутловларни тасвирга тушириш, кенг оммага намоёиш қилиш имконияти яра-

Пойтахтимиздаги Глиер номидаги мусиқа мактабида ўрта махсус мусиқа ва санъат ўқув юртлари ёш ижрочиларининг республика танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов ҳар 2 йилда бир мартаба ўтказилиб келинмоқда. Танловга қатнашган иштирокчиларнинг 260 нафари ўзбек миллий чолғу асбоблари йўналишида ўз истеъдодларини намоёиш этдилар. Унда

давонида кўплаб шогирдларни етиштирдим. Равшан Комилов, Рустам Фойилов, Машраб Нишонов ва бошқа шуларга ўхшаган кўплаб санъаткорларни. Мана, бугун ҳам кўпгина шогирдларимни бу танловга олиб келиб қатнашаримиз. Мен ишонаманки, бу танловда ҳам, албатта, голибликни кўлга киритамиз, — деб сўзини якунлади.

Танлов якунида эса ҳар

ОРАДАН ИККИ ЙИЛ ЎТИБ...

торли чолғулар, фортепиано, хонандалик, дамли ва зарбли чолғулар йўналишлари бўйича республикамизнинг турли вилоятларидан келган 600 га яқин ўқувчилар иштирок этишди.

Биз танловда қатнашаётган иштирокчилар билан суҳбатда бўлдик.

— Мен 1983 йилдан буюн Ҳамза мусиқа билим юртида фаолият олиб бормоқдаман, — дейди Бахтиёр ака Зияев, — 20 йиллик иш фаолиятим

бир чолғу асбоблари бўйича 14 нафар голиб аниқланди.

Танлов сўнггида Маданият ишлари вазирлиги ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи И.Дехқонов мазкур танловда ўтган йилларда ўтказилгандагидан кўра иштирокчилар сони ўсганлигини, Фарғона, Андижон, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган иштирокчилар фаол қатнашганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Р.ХОЛМУРОВОДА

«ХОНАНДА БЎЛАМАН»
ДЕМАГАН ХОНАНДА

Отабек Турсунов ҳали жуда ёш. У эндигина санъат оламига кириб келмоқда. Нияти эл-юрт ардоғидаги, халқни улугловчи, муҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар ижросига айланиш. Отабек унга илк сабоқни берган муаллими ва кенг, атрофли билим бериб, унинг қобилиятини юзага чиқаришга ёрдам берган барча устозларини яхши кўради. Суҳбатимиз эса унинг бугунги фаолияти хусусида кечди.

— Отабек, кўпроқ қайси услубда куйлайсиз?

— Ўзбек классик кўшиқларини, мақом йўналишидаги ашулаларни ўзбек эстрадасида янгича усулда куйлашни ёқтираман.

— Отабек, нима сабабдан сиз санъатнинг кўшиқчили соҳасини танладингиз?

— Ҳеч қачон хонанда бўламан деб ўйламаган эдим. Лекин, пешонага ёзилгани дейишганидек, тақдиримда эстрада санъатида хизмат қилиш ёзилган экан, мен бундан хурсандман.

— Ҳозирги кунда нима билан бандсиз ва режаларингиз?


— "Дўст" кўшиғимга клип ишладик. Ватанимга бўлган ихлосимни, севгимни изҳор этган "Ўзбекистон" деб номланган ашуламини, "Бешёғоч" студиясида ёзиб тугатдим. Дарвоқе, яқинда "Гап йўқ" телевизион гуруҳи билан "Девона" номли ашуламга клип яратиш ниятидамиз.

Қалдирғоч МАМБЕТОВА



10 кун давом этган Европа киноси кунлари якунланди. Ушбу ҳафталикда Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Польша давлатлари билан бир қаторда биринчи мартаба Чехия, Швейцария, Бельгия киножодкорларининг 15 та бадиий фильми Алишер Навоий номидаги Санъат саройида намоёиш этилди. Бу тадбирнинг ташкилотчилари билан газетамизнинг ўтган сонидан таништирган эдик.

Фестиваль давомида Фарб дав-

"ТУРКИСТОН" ДА
ЭКОФЕСТИВАЛ

Яқинда "Туркистон" саройида, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган катта шоу-концерт бўлиб ўтди.

Бугунги кунда инсониятнинг энг огрикли муаммоси атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик мувозанатнинг бузилишидир. Мана шу муаммолар ўз ўзидан янги-янги ташвишларни келтириб чиқараётганлиги ва келтириб чиқариши ҳаммамизга аён. Экологиянинг ифлосланиши, Оролнинг қуриши катта фожеа ва бу фожеалар инсонлар саломатлигига, уларнинг меъёрида ҳаёт кечиришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«ЭКОСАН» кўшма корхонаси бош хомийлигида ўтказилган концертда халқимизнинг кўпгина сеvimли санъаткорлари — Фуломжон Ёкубов, Бобомурод Ҳамдамовлар, эндигина санъат оламига кириб келаётган ёш, умидли ижрочилар иштирок этишди. Концертнинг бош мақсади, кишиларни атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлишга даъват қилиш эди. Бу мақсадга эса, фикримизча, эришилди.

АСКИЯ КЕЧАСИДА
ҚАТНАШИШ БЕПУЛ

Халқимиз қадим-қадимдан ҳазил-мутойибага ўн. Ота-боболаримизнинг турли сўз ўйинларига бой бўлган гап-сўзлари, суҳбатларининг аския деб аталиши ҳеч кимга сир эмас. Жуда донолик билан топиб айтилган сўзлар, коса тагида нимкоса, билса ҳазил, билмаса чин қабилда бўладиган айтишувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. "Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади", деб айтганида, халқимизнинг сеvimли кизикчиси Юсуфжон қизик Шакаржонов минг бора ҳақ эди.

16 июнь куни Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги пойтахтнинг «Боғи Эрам» истироҳат ва маданият гўшасида «Аския кечаси» ўтказишни режалаштирган. Унда водийлик аския усталари ва кизикчилар Обид Асомов, Шерали Хожиевлар иштирок этишади.

Мазза қилиб, дилдан яйраб кулишни истаганларни шу кунги ушбу маскан кутиб олади. Энг муҳими, ушбу аския кечасида қатнашиш бепул.

Ф. ИБРАГИМОВА

ЕВРОПА
МАЙДОНЛАРИДА

ЖЧ-2002 саралаш баҳслари давом этаётган пайтда Россия, Польша, Италия ва Германия терма жамоалари ўз гуруҳлари мавқеларини мустаҳкамлаб олди. Улар Жанубий Корея ва Япония майдонларида ўтадиган ЖЧнинг финал қисмига йўлланмаларни муддатидан олдин қўлга киритдилар.

“ГАЛАТАСАРАЙ”
РЕЖАЛАРИ

Ушбу клубни бошқариб турган руминиялик Мирча Ауческу янги мавсумда жамоани кучайтириш учун ўзи тузган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатга киритилган ўйинчилар турли мамлакатлардан бўлиб, уларнинг аксарияти ўз жамоасини “ҳаракатлантирувчи машина”ларидир.



ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ

Ўзбек футболда ўзига яраша мавқе ва эътибор топган мураббийларнинг эълон қилинган сўнги рейтинги куйидагича: 1. Юрий Саркисян (“Нефтчи”), 2. Диёр Файзиев (“Сўғдиёна”), 3. Равшан Ҳайдаров (“Трактор”). Май ойининг бундай натижаси замирида мураббийларнинг тинимсиз меҳнатлари ётибди.

ИШОНЧЛИ
ДАРВОЗАБОН КИМ?

1. Георгий Забиоров (“Нефтчи”), 2. Алишер Аҳмедов (“Дўстлик”), 3. Олег Горвиц (“Сўғдиёна”). Ушбу рўйхат “меzbони”га айланиб улгурган Забиоровнинг ушбу номинация бўйича эътироф этилишида жамоа метин ҳимоясининг ҳам аҳамияти юқори. Лекин биринчи рақамли дарвозабонимизнинг Россиядаги ўртамиёна клуб таркибида захирадан ўрин олиши ҳали кўп ишлашимиз кераклигини билдиради.

ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНИ
КЕЧИҚТИРИЛДИ

Мамлакат Биллур соврини учун баҳсларининг ўтказилиши муносабати билан Қозоғистон чемпионати мусобақалари маълум муддатга танаффусга чиқди. Немчорак финалнинг 7 учрашувидан сўнг 7 жамоа кейинги босқичга йўлланма олди. Сақкизинчи жамоа номи “Жетиус”—“Иртиш” клубларининг ўзаро баҳси натижаларига кўра аниқланиши керак эди. “Иртиш”нинг Осие чемпионлари Кубоги турнирида иштироки боис бу учрашув қолдирилган. Хуллас, бир учрашувнинг бошқасига таъсири шу даражада кучайдики, мутасаддилар мавсум бошида обдон ўйлаб кўрса арзийдиган муаммо даражасига чиқди.

Таъкидлаш лозимки, Қозоғистон Биллур соврини учун кечаётган мусобақаларда 3 нафар ўзбекистонлик чарм тўп усталари ҳам турли клубларда иштирок этмоқда. Дастлаб қуръа натижаларига кўра, лигионерларимиз бир-бирига қарши майдонга тушаётган жамоалар таркибида бўлгани боис, уларнинг финал ўйинларигача етиб борганлари 3 нафаргина қолди. Ажабланирлиси, ўзаро учрашувларда ўзбекистонлик лигионерларимиздан унумли фойдаланган клублар муваффақият қозонди.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВА



Шу кунларда болажонларимиз учун ёз фаслининг соз кунлари ўтмоқда. Таътилга чиққан ўқувчилар дам олиш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун юртимизнинг турли оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришаётир. Тошкент туманида ҳам уларга катта қулайликлар яратилган. Бугун кўплаб ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри мақсадга йўналтириш учун туман спорт мажмуасида турли спорт шўъбалари улар хизматида.

Суратда: теннис шўъбаси мураббийи Сайёра Сидиқметова машғулотда ёш спортчиларга теннис сир-асрорларини ўргатмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МУХЛИСЛАР
СОҒИНИБ КУТАДИ

Ҳа, профессионал бокс ишқибозларининг байрами. “Юнусобод” спорт мажмуида 55-72,5 кг.гача вазн тоифаларидаги профессионал боксчиларнинг рейтинг учрашувлари бўлиб ўтади:

1. У.Сиддиқов (Ўзбекистон) — Ю.Жарков (Қозоғистон) — 95,3 кг.
2. Ф.Арслонов (Ўзбекистон) — Г.Скрябин (Молдова) — 58,9 кг.
3. Тойинбоев (Ўзбекистон) — Ю.Красетин (Россия) — 63,5 кг.
4. Н.Отаев (Ўзбекистон) — В.Фисечко (Украина) — 69,5 кг.
5. К.Тўлаганов (Ўзбекистон) — А.Сироватко (Белоруссия) — 72,5 кг.

Шунингдек, Осие бокс ассоциациясининг чемпионлик камари учун ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров Индонезия вакили Давид Касварга қарши рингга чиқади.

Ёдингизда бўлса, 1997 йилда Тошкентда биринчи профессионал бокс клуби очилган эди. Бундан аввалроқ республика профессионал бокс федерацияси тузилган эди.

Бугунги жанглр шу пайтгача уюштирилган профессионаллар ўртасидаги учрашувларга нисбатан қизғинроқ кечиши башорат қилинмоқда.

Руслан СОЛИЕВ

Ҳар гал олимпиада ўйинлари ниҳоялангач, навбатдаги ушбу нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилишга кўплаб давлатлар ошиқади. Нега? Савол, табиий. Унинг жавоби ҳам кўпчилик учун ойдин. Аввало, у, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига яқиндан таништиради. Унинг имкониятларини, салоҳиятини кўрсатиб беради. Қолаверса, давлатга каттагина миқдорда молиявий фойда келтиради.

Ушбу нуфузли мусобақаларга тайёргарлик кўрадиган йирик шаҳарлар замонавий техника имкониятларининг сўнги намуналари билан жиҳозланибгина қолмасдан, ташриф буюрувчиларнинг қизиқишларини ҳам қозона олишлари керак.

Халқаро Олимпия Кўмитаси 2008 йилда бўладиган

ДАЪВОГАРЛАР
НЕГА КЎП?!

ёзги олимпиада мусобақаларида мезбонликни қайси шаҳар(Пекин, Торонто, Истамбул, Осака, Париж)га бериш ҳақида бош қотираётган бир пайтда, кўплаб шаҳарлар 2012 йилда бўладиган олимпиадага тайёр эканликларини эълон қилмоқда. Бу борадаги қизгин мунозаралар эндиликда Америка Кўшма Штатларига кўчган. У ердаги кўплаб шаҳарлар миллий олимпия кўмитасига ўз дастур ва таклифларини 31 майга қадар расман топшириб улгуришган. Айниқса, Нью-Йоркнинг таклифи анча жид-

дий. Шаҳар бу тадбир учун Манхеттен қирғоғида 3,3 миллиард доллар сарфлаб, махсус спорт мажмуаси барпо этишини режалаштирган. Бундан ташқари Даллас, Лос-Анжелес, Хьюстон, Сан-Франциско, Томпа, Вашингтон каби шаҳарлар ҳам имкониятни қўлдан бермоқчи эмас. Миллий олимпиада кўмитаси эса, номзодни 2002 йил кузида эълон қилажанини билдирган.

Қизиги шундаки, кичкинагина Куба ҳам ҳатто шундай нуфузли тадбирни ўтказишга ўз хоҳишини билдириб келади. Куба олимпиада ўйинлари фақат бадавлат шаҳарларда ўтказилиши сиёсатиға қарши бўлиб, бу ишни улар ҳам меъёрида уддалай олишларини кўрсатиб қўймоқчи. Шаҳноза САЛОҲИДИНОВА

МУСОБАҚАЛАР
МУРОСАСИЗ КЕЧАДИ

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Кубоги турнир жадвалидаги вазият энг қалтис ҳолатни қайд этиб турибди. 10-12 август кунлари Тошкент шаҳри ва Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятлари жамоалари ўртасида кечадиган теннис мусобақалари ярим финал тақдирига ойдинлик киритади. Ушбу босқичга Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона вилояти вакиллари бироз энгиллик билан чиқишган бўлса-да, Андижон ва Бухоро жамоалари билан бўладиган мусобақалар муросасиз кечиши тайин. Чунки, 1-3 июнь кунлари ўтказилган чорак финал беллашувларида жамоаларнинг кортдаги имкониятлари яққол намоён бўлди. Айниқса, ярим финал йўлланмаси учун курашган Самарқанд—Бухоро теннисчилари ўртасидаги учрашувлар кейинчалик энг жўшқин баҳслар, дея таърифланган бўлса, дастлабки ўйинларданок турнир қарвонбошиси бўлган пойтахтликларнинг Сирдарё устидан қозонган ғалабаси (5:0) энг зериқарли ўйинлар сифатида хотирага ўрнашди.

Шундай қилиб, бу йилги турнир 26-28 октябрь кунлари финал ўйинлари билан ниҳояланади.

Нигина ПОЛТАЕВА

“Тошкент оупен” мусобақасининг тарихи ҳали унча катта эмас. Аммо шундай бўлишига қарамасдан 3 ёшидаёқ Челленжер турниридан улғайиб, халқаро профессионал аёллар турнири даражасига кўтарилиш ҳазилакам иш эмас. Бугунга келиб жаҳоннинг энг етакчи теннисчи қизлари бетакрор юртимиз жамолани бир кўришга, нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётган “Тошкент оупен” турниримизда иштирок этишга ошиқишмоқда. Бунинг устига “Тошкент оупен”нинг парилар юрти саналмиш Фарангистон очик чемпионати тугаши ҳамон бошланишида ҳам рамзий маъно бор. Ўзбекистон ҳам ўз гўзаллари, маликалари, қаҳра-

мон аёллари билан довруқ қозонган. Бугунга келиб эса иродаси Нодираю Тўмарис, Бибиноиму Ойбарчинларниқидан кам бўлмаган Ирода Тўлаганова ўзбек аёлининг қудратини

жернинг мукофот жамғармаси 25000 \$ ни ташкил этарди. Турнирнинг асосий тўрида 3 нафар ҳамюртимиз ҳам иштирок этган. Бирок уларнинг ҳеч бири 1-босқичдан ўтишолмаган. Челлен-

ўтди. Турнирда эса мексикалик Анжелика Гавальдон ғалаба қозонди. 1998 йили эса “Тошкент оупен” сўнги бор Челленжер мақомида ўтказилди.

Президентимиз 1999 йилни

ҳам мухлисларни хушнуд этди. Sanex WTA Tour доирасидаги иккинчи уриниш эса чинакамга зафарли тугади. Мукофот жамғармаси ҳам 140 минг долларга етиб, учинчи даражали турнирлар қаторига қўшилган “Тошкент оупен” турнири ўзбекистонлик Ирода Тўлаганованиннг ёрқин ғалабаси билан тугади.

Насиб бўлса, бу йилги турнир бизга яна янги номларни тортиқ этади. Ажаблас, улар орасида яна ҳамюртимиз бор бўлса. Зеро, Ироданиннг ортидан дадил эргашаётган Окгул Омонмуродова, Варвара Лепченко, Комила Дадахўжаева, Иванна Исроилова, Елена Рязцева, опа-сингил Биктякова сингари қизларимиз бор.

ТОШКЕНТ КОРТЛАРИНИНГ
ЎЗ МАЛИКАЛАРИ БОР

оламга ёймоқда. Жаҳон тасниф жадвалида кучли 50 теннисчи қиз орасидан мўким жой олишга интилаётган теннисчимиздан умидимиз катта.

“Тошкент оупен” халқаро турнирига 1996 йили асос солинган бўлиб, ўша йилги Челлен-

жер турнири ғолибаси деган шарафли ном эса австриялик Патрисия Вартушга насиб этганди. Иккинчи йили мукофот жамғармаси 2 баробарга ошди ва 50000 долларни ташкил этди. Бу сафар ҳам бизнинг вакилларимизни омад четлаб

Аёллар йили, деб эълон қилгандилар. Худди шу йилдан “Тошкент оупен” ҳам WTA Tour мақомига олиши ва жаҳоннинг энг йирик турнирлари сафига қўшилишида ўзига хос ўхшашлик бор. Бу галги турнирда юртдошларимизнинг қатнашиши

Кунига қанча вақтни фарзандингизга ажратасиз? Баъзилар: "Куним шу билан ўтадику" дейиши ҳам мумкин, бироқ яхшироқ кузатсақ, бу диққатнинг барчаси уларнинг ҳатти-харақатини назорат қилиш, уларга уни қилма, бу мумкин эмас, ангани олиб қўй, уни қўйиб қўй, қабилдаги танбехлардан иборат эканини кўришимиз мумкин. Фарзанд учун эса ота-она меҳри, унинг эътибори ниҳоятда муҳим. Ёш болалар ота-она меҳридан "гуллаб-яшнайдилар". Шунинг учун улар ўзларига бўлган эътиборни сезишмаса барча нарсанинг тескарисини қиладилар. Бунинг барчаси: "менга эътибор керак, мен сизларга кераклигимни сезмаяпман"


"НИМА ЭКСАНГ,..."

деганидир. Хатто катта ёшдаги фарзандлар ҳам ота-она меҳрига доим муҳтож бўладилар.

Хар доим керагича эътибор бера олмасангиз ҳам, фарзандингизга у доим сеvimли ва кераклигини кўрсатишингиз керак. Ота-она учун эътибор, ғамхўрлик, яъни едириб-ичириш, кийинтиришдан иборат бўлса, фарзанд учун эса авваломбор ота-она томонидан қўллаб-қувватланишидир. Шунинг учун фарзандингизга бўлган меҳрингизни тез-тез изҳор қилиб туринг. Уни бағрингизга олиб, сўзсиз эркалашингизда сиз унга кўп нарсани берган бўлар эдингиз. Хар кун арзмаган 15-20 дақиқа вақтингизни фарзандингиз билан суҳбатларга, ўйинларга ажратсангиз, унинг ўзингизга нисбатан меҳрини оширган бўлар эдингиз. Асосийси у сизга кераклигини хис қилсин. Ахир халқда нақл бор-ку, "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган.

Муқаддасхон АХУНОВА

"ҲАШАРОТЛАР ОЛАМИ"



АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Тўғри қанотлилар туркумига мансуб, баъзи турлари зарарли ҳашарот. 2. Ҳашаротнинг сиртки танасини ташкил қилувчи бирикма модда. 3. Жонивор қони, ўсимлик таркибидаги шира билан озикланувчи зараркунанда. 4. Кенг тарқалган пардақанотли ҳашарот туркуми. 5. Ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик курашда фойдаланилаётган ҳашарот. 6. Ҳашаротнинг илк ривожланиш даври. 7. Ҳашарот озуқаси. 8. Сакраб ҳаракатланувчи зарарли ҳашарот. 9. Хар хил турга мансуб бўлган икки жонзотнинг бир-биридан фойдаланиб биргаликда яшаши. 10. Мўтадил ва иссиқ минтақаларда тарқалган ҳашарот туркуми. 11. Жуда кенг тарқалган, тўда-тўда бўлиб бир уяда яшовчи майда ҳашарот. 12. Шифобахш ширинлик тўпловчи, уялар қуриб боқиладиган ҳашарот. 13. Икки жуфт ранг-баранг қанотли гул шайдоси бўлган ҳашарот. 14. Баъзи ҳашаротнинг қуртдан тўла воёга етиш даври. 15. Турар-жойларда тарқалган зараркунанда ҳашарот. 16. Ҳашаротнинг учуш аъзоси.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 26 МАЙ СЕНИДА БЕРИЛГАН "ҚУВНОҚ БОЛАЛИК" АЙЛАНМА КРОССВОРД-МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Болалик. 2. Чиллак. 3. Копток. 4. "Алломиш". 5. Шарада. 6. Родари. 7. Оромгоҳ. 8. Топишмоқ. 9. Футбол. 10. "Булбулча". 11. Чўпчак. 12. Барчин. 13. Бўғирсоқ. 14. Дастёр. 15. Қўғирчоқ. 16. Тўгарак. 17. Зумрад. 18. "Гулхан". 19. Каримов. 20. Кувонч. 21. Оқизоқ.

МУАММОНОМА
Очқич сўзлар: 1. "Бойчечак". 2. Содиков. 3. Ясли. 4. Муҳаммадий. 5. Мактаб. 6. Хўроз. 7. Эстафета. 8. Гулшан. 9. "Фунча".
Ҳикмат: Фарзанд эрур давлат боғига ниҳол,
Ундан кулиб боқар бахт ила иқбол.
Колдирса агар у яхши деган ном,
Эл ичра обрўйи ошар батамом.

ҚУШЛОВ

Хурматли устоз
Хуррам ака Жалилов!
Сизни ҳаётингизда энг яхши сана, туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узок умр, бахт, омонлик тилаймиз. Фарзандларингиз, қариндошлар ва дўстларингиз бахтига ҳамisha сафларни тўлдириб юришингизга тилакдошимиз.
Фузур шаҳри Қори Ниёзий номидаги 53-мактаб жамоаси

Хурматли Ҳаким ака
Муҳаммадиев!

Сизни сермазун умрингизнинг 55 баҳори билан кутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилаймиз. Жамоамиз ўқитувчилари ва миннатдор шогирдларингиз Сизни жонкуяр устоз сифатида танишади. Сиздаги педагогик маҳорат шогирдларингиз учун ибрат бўлади. Ҳамиша соғсаломат ва бардам бўлинг.
Ангор касб-хунар лицейи жамоаси

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда МЕНҒОРОВА Муҳайё Уроловна номига берилган А №092996-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги 1-лицей-интернат томонидан 1996 йилда Эгамбердиев Бахриддин Исмоилович номига берилган UZA 140608 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимиятидан 1995 йил 5 июнда 207-сонли қарори билан рўйхатга олинган "Шо-Шо" хусусий корхонаси тугатилди.
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Миробод тумани ДСИ биносида қабул қилинади.
Манзил: Нукус кўчаси, 23-уй, 404-хона. Тел: 55-36-84.

ХАНДАЛАР

Бир нечта ўқувчи дарсга кечикиб, синф эшиги олдида туриб қолди.

Ўқитувчи: Жан, нега кеч қолдинг?

Жан: Ойим вақтида уйғотмайдилар.

Ўқитувчи: Сен-чи, Жак?

Жак: Трамвайга етолмай қолганим учун яёв юриб келдим.

Ўқитувчи: Сенам трамвайга етолмай қолдингми, Андре?

Андре: Кимдир дафтаримни йиртиб қўйибди, шунга янгисини сотиб олгани магазинга борувдим.

Ўқитувчи: Сен-чи, Рене?

Рене: Менинг бошим оғриб қолди.

Ўқитувчи: Хўш, сен-чи, Шарль?

У жавоб бериш ўрнига йиғлаб юборди.

Ўқитувчи: Ха, нега йиғлаясан?

Шарль: Манавилар ҳаммасини айтиб қўйди, менинг айтишимга бошқа баҳона қолмади.

Бола: Дада, мен Парижда тутилганманми?

Ота: Ха, ўғлим.

Бола: Ойим қаерда тутилганлар?

Ота: Бордода.

Бола: Ўзингиз қайси шаҳарда тутилгансиз?

Ота: Страсбургда.

Бола: (ҳайратомуз) Лекин

қанақасига биз учовимизнинг учрашиб қолганимизга сира ақлим етмайди.

Она: (Жанга олма бера туриб) Жан, ўғлим, мана сенга олма. Бунинг синглинга инсоф билан бўлиб бергин.

Жан: Ойи, инсоф билан бўлиб бериш қанақа бўлади?

Она: Бунинг учун каттароқ бўлагини бошқага бериб, ўзида озрогини олиб қолади.

Жан: (синглисига олгани узатиб) Ма, бунинг инсоф билан бўлиб бер.

Она: Имтиҳон олган киши қандай экан?

Тото: Жудаям ҳудожўй. Саволларга жавоб бера бошлашим билан у кўзини талага тикиб "Э, Худойим!", "Худойим-ей!" деб ёлво-раверди.

Бола: (хурсанд кайфиятда) Дада, бугун кечкурун мактабимизда кичкина ота-оналар йиғилиши бўларкан.

Ота: Бугун вақтим йўқ, боролмайман.

Бола: Дада, бормасангиз бўлмайди. Директор айтдики, унда атиги учаламиз қатнашарканмиз; у, сиз ва мен, бўлди.

Французчадан

Феруза НУРИДДИНОВА

таржимаси.

Тарбия масаласи гоят мураккаб. Қизлар тарбияси эса ниҳоятда нозик саналиб, катта эътибор талаб қилади. Оилада қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун, аввало, она бош масъулдир. Қиз боланинг хулқ-атвори кўпроқ онани эслатади. Очиқ чехрали, ширинсўз, покиза ва саранжом-саришта онанинг қизи билан шаддо, кўрс, баджаҳл, бифаросат ва беақл оналарнинг қизлари орасида ер билан осмон қадар фарқ бор. Қиз боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишига оиладаги муҳит катта таъсир ўткази. Аввало, ижобий самарага эришиш учун оилавий ҳаёт тарзи тўғри бўлиши лозим. Ота ва оналар талаб қилишдан аввал ўзлари фарзандлари учун намуна мактабини ўтай билиши керак. Бир сўз билан айтганда, тарбия жараёни — у қаерда амалга оширилмасин, мактабдами, оиладами, маҳалладами — бошдан-оёқ тарбиянинг педагогик руҳи билан суғурилиши мақсадга мувофиқ.

Қиз бола катта ёшдаги кишиларнинг гапига кулоқ солади. Сўкиш, қарғиш, чайқовчиликни мақташ, пулга, кийимга ҳирс қўйиш қиз бола тарбиясини бузади. Оилада биргаликда ўқилган китоб, газета, журналлари муҳокама қилиш, ҳамжихатликда қиз боланинг ёшига мос келувчи кино кўриш ва унинг яхши ёки ёмон томонларини му-

ҚИЗ БОЛА ТАРБИЯСИ

ҳокама қилиш тарбия жараёнида самарали натижаларни келтириб чиқаради. Қиз боланинг маданий савиясини ўстириш учун китобга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш айна муддаодир.

Фарзандни яхши кўриш хар бир одамга хос бўлган табиий сезги, уларга ғамхўрлик қилиш эса бурч ҳисобланади. Аммо фарзандни кўр-кўрона севиш, ҳамма истақларини муҳайё этиш ёмон оқибатлар келтириб чиқаради. Шунинг учун фарзандини оқилона яхши кўрадиган инсон унинг келажакини ўйлаб, келгуси турмушда зарур бўладиган кўпгина қоидаларга риоя қилишни ёшлигидан ўргатиши қутилган самарани беради.

Фарзандга гўдаклигиданоқ оддий талаблар қўйиш керак. Масалан: уйдаги баъзи нарсаларга тегиш ярамайди, деган гапга 2 ёшли бола тушунади. Қиз болани меҳнатга ўргатиш шарт, деб ҳисоблашда барча ота-оналар. Бу, албатта, тўғри. Лекин шуниси ҳам борки, болани меҳнатга ўргатиш учун, аввало, унинг куч-қувватини, саломатлигини ва ёшини назарга олиш, уларга дам олиш, ўйин ўйнаш учун ҳам вақт ҳамда имконият бериш яхши одатдир. Қиз болага ёшликдан ҳаддан ташқари кўп иш буюриш, жисмоний толиқтириш кейинчалик унинг иш қилишга бўлган иштиёқини сўндиради. Ўзидан ортиқча нарсаларни талаб қилаётган ота-онасига бўлган ихлоси камаяди.

Ҳаётда қиз боланинг ўзига хос бурчлари бор. Қиз бола бу бурчларни тўлиқ бажарса, ўз вақтида ўқиб таълим олса, касб-хунар ўрганса, келгуси ҳаёти тўқис, фаровон, мустақам оиланинг оқила бекаси бўлиб етишади.

Барно ЖУМАНОВА,
аспирант

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жамоаси шу институтнинг собиқ ходими, филология фанлари номзоди, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси
Абдулла СУЮМОВ
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазири,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далилар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдорлар. «Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҶИМАНОВА,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2517. Тиражи 26.348.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00